

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАББОРОВ ХЎЖАМУРОД

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ДЕҲҚОНЧИЛИК ЛЕКСИКАСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Жабборов Хўжамурод

Ўзбек тилининг деҳқончилик лексикаси 3

Джабборов Худжамурад

Земледельческая лексика узбекского языка..... 33

Djabborov Khojamurod

Agriculture lexics of the uzbek language..... 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 71

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАББОРОВ ХЎЖАМУРОД

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ДЕҲҚОНЧИЛИК ЛЕКСИКАСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.2.DSc/Fil 54 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Бегматов Эрнст Азимович

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Собиров Абдулхай Шукурович

филология фанлари доктори, профессор

Маматов Абдимурод Эшонқулович

филология фанлари доктори, профессор

Тожиев Ёрмат

филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. Fil.19.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 .Тел.: (246-63-58; fax: (99871) 246-53-21 e-mail: tduta_nazorat@edu.uz.)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 .Тел.: 246-63-58).

Диссертация автореферати 2017 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2017 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.С. Сирожидинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Ё.Р. Одилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Н.М. Маҳмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф. д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тадқиқот ишлари тарихий-қиёсий, систем-структур, семантик-семасиологик ва ономасиологик йўналишларда олиб борилаётганлиги, қишлоқ хўжалигига оид маълумотларни топиш йўлларини осонлаштириш мақсадида бу соҳага оид сўзларнинг тезаурус (ҳазинали) луғатларининг яратилаётганлиги ўзбек тилшунослигида ҳам бундай муаммоларни ҳал қилишда замонавий таҳлил методларидан фойдаланишни тақозо этмоқда. Деҳқончилик лексикасини бутунлай янги илмий-назарий қарашлар ва методларга таянган ҳолда тадқиқ этиш ана шундай долзарб муаммоларидан биридир. Дунё тилшунослигида деҳқончилик лексикасини система сифатида ўрганиш қонуниятларини очиб бериш, уларнинг лингво-культурологик, этнолингвистик, прагмалингвистик, психоллингвистик хусусиятларини ёритиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Жаҳон тилшунослигида деҳқончилик лексикаси дунё халқлари тилининг, шубҳасиз, энг қадимги ва ҳар бир тараққиёт даври учун замонавий ва муҳим луғавий қатламини ташкил этиши кўплаб тилшуносларнинг эътиборини тортган. Жумладан, деҳқончилик лексикасини тартибга солиш ва меъёрлаштириш семантик, семасиологик ва морфологик аспектларда тадқиқ этилган. Ўзбек тилшунослигида ҳам деҳқончилик лексикасининг тадқиқида мавжуд тавсиф ва талқинларни замонавий методологик тамойиллардан фойдаланиб умумлаштириш, уларнинг лисоний ва нутқий воқеланиши юзасидан аниқ хулосалар чиқариш мавзунинг долзарблигини белгилайди. Шу асосда деҳқончилик лексикасини жаҳон тилшунослигининг сўнгги ютуқлари ва янги тадқиқ қилиш методларига таянган ҳолда тилимизнинг ички қонуниятлари асосида тавсифлаш ҳамда уларни систем-структур, функционал-семантик жиҳатдан тадқиқ этиш, ўз навбатида, дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Мустақиллик йилларида миллий маънавиятимиз кўзгуси ҳисобланган она тилимизни янада раванқ топтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Тилимизнинг жамият тараққиётидаги ролини ошириш, уни асраб -авайлаш, бойитиш борасидаги ишлар мунтазамлик касб этди. Истиклол йилларида тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ва илмий-оммабоп китоблар, луғатлар кўплаб чоп этилаётганлиги жамият тафаккурини юксалтиришга ўз ҳиссасини кўшмоқда. Айниқса, тилимизнинг касб-хунар лексикасининг ўзига хос табиатини аниқлашда, хусусан, ўзбек тилининг деҳқончилик лексикасини ўрганишда муайян ютуқларга эришилди. Шу билан бир қаторда, деҳқончилик лексикасининг субстанциал-прагматик хусусиятлари аниқланиши, уларнинг лисоний табиатини очишга хизмат қиладиган гносеологик қонуниятлар ва категориялар асосида тавсифланиши керак. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга

йўналтирилган қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш»¹ асосий вазифалардан бири сифатида алоҳида белгиланган. Бу борада деҳқончилик лексикасидаги луғавий бирликларнинг ифода имкониятлари ва лексик-семантик хусусиятларини янги методологик тамойиллар ва замонавий мезонлар асосида ёритиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги 2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги янги тахрирда қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни талаблари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Деҳқончилик лексикасининг грамматик ва прагматик, парадигматик ва синтагматик хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, РФА Лингвистик тадқиқотлар институти, РФА Доғистон илмий марказининг Тил, адабиёт ва санъат институти, Саратов давлат университети (Россия); The University of Adelaide (Australia); Agriculture Forestry and Fisheries Research Council (Япония); University of California, Boston University (АҚШ); University of Bordeaux (Франция); Peking University (ХХР); Oxford University Language Centre (Англия); Қозоқ миллий университети (Қозоғистон); шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида деҳқончилик лексикасини ўрганиш, уларда кечадиган энг муҳим жараёнларни таҳлил қилиш, деҳқончилик лексикасини тартибга солиш ва меъёрлаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи cheloveknauka.com, dslib.net, reseachgate.net, bloomsbury.com, aims.fao.org, book.sumy.ua, www.utexas.edu, www.u-bordeaux.com, english.pku.edu.cn, www.lang.ox.ac.uk, www.kaznu.kz, www.navoiy-uni.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: лотин тили лексикасининг асосий – деҳқончилик ва ўсимлик қатламлари семантик, семасиологик ва морфологик аспектларда асосланган (РФА Лингвистик тадқиқотлар институти, Санкт-Петербург); энг бой луғавий қатлам бўлган деҳқончилик лексикаси мавзуй-луғавий гуруҳлар нуқтаи назаридан ажратилган; лексиканинг ўз ва ўзлашган қатламлари аниқланиб, сўз ўзлаштириш билан боғлиқ лисоний жараёнлар ёритилган (РФА Доғистон илмий марказининг Тил, адабиёт ва санъат институти); қишлоқ хўжалигига оид маълумотларни топиш йўллари ошонлаштириш мақсадида AGROVOC тезауруси асосида ҲАТ–япон тили қишлоқ хўжалиги терминлари тезауруси яратилган (Agriculture, Forestry and Fisheries Research Council, Япония); деҳқончилик лексикасини терминологизация ва метафоризация жараёнлари кўриб чиқилган ва уларнинг оламнинг лисоний манзарасини яратишдаги роли исботланган (Чернишевский номидаги Саратов давлат университети, Россия); деҳқончилик лексикасининг лексик-семантик, функционал-стилистик, субстанциал-прагматик хусусиятлари асосланган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)).

Дунё тилшунослигида деҳқончилик лексикасининг лингвистик хусусиятларини ўрганиш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: деҳқончилик лексикасининг шаклланиши ва тараққиёт манбалари асосида лексик қатламлари, сўз ясалиши билан боғлиқ хусусиятларини аниқлаш; деҳқончилик лексикасининг нутқий мулоқот жараёнидаги аҳамиятини очиб бериш; деҳқончилик лексикасининг лисоний тизимдаги функционал-семантик тараққиётини асослаш; деҳқончилик лексикасининг системавий таҳлилини, уларнинг парадигматик ва синтагматик муносабатлари асосида тавсифлаш; деҳқончилик лексикаси тараққиётида моддий асос вазифасини ўтаган ер, сув, экин майдони тушунчаларининг ўзбек тилидаги маъновий, функционал-услубий хусусиятларини очиб бериш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда деҳқончилик лексикасининг лексик-грамматик, функционал-семантик хусусиятларини аниқлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, дунё халқлари³, туркий⁴ ва форс-тожик халқлари⁵нинг деҳқончилик тарихи,

³Авдиев В.И. История древнего востока. – Ленинград: Изд. Политической литературы, 1953. –747 с.; Тойлор Э.Б. Первобытная культура. – Москва: Изд. Политической литературы, 1989. –573 с; Семенов С.А. Происхождение земледелия. Ленинград: Наука, 1974. – 68 с; Богаевский Б. Л. Земледельческая религия Африки. Т.1.СПБ, 1916. – 232 с; Васильев Л. С. Земледелие в Древнем Китае // Вестник истории мировой культуры. – Москва, 1962. – №2. – С. 36-42 .

⁴ Андрианов Б.В. Древние оросительные системы При Аралья. (В связи с историей возникновения и развития орошаемого земледелия). – Москва: Наука, 1969. – 251с.; Андрианов Б. В. Проблемы происхождения ирригационного земледелия и современные археологические исследования Средней Азии. Москва: Наука, 1968. – 363 с; Антонова Е.В. Очерки культуры древних земледельцев Передней и Средней Азии. – Москва: 1984. – 348 с; Воейков А.Р. Туркестан, его воды и орошение // Вестник Европы. – Москва: 1915. – №3. – С. 14-22; Пенжиев М. Историческое развитие и современная структура сельскохозяйственной (земледельческой) терминологии в туркменском языке: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Ашхабад, 1983. – 47 с; Каримходжаев Ш. Вопросы изучения терминов земледелия в каракалпакском языке: Автореф. дис. ... канд.

этнографияси, лексикаси ўрганилган ва бу соҳаларда муайян илмий-назарий қарашлар баён этилган.

Ўзбек тилшунослигида ҳам касб-хунар лексикаси ва шеваларни ўрганиш XX асрда кенг оммалашган анъанавий тилшунослик методлари асосида амалга оширилган. Хусусан, Н.Маматов, О.Қурбонов, Т.Нўъмонов, Ю.Эшонқулов, А.Шерматов, Б.Жўраев, Т.Нафасов, С.Раҳимов каби тилшуносларининг ишларида мазкур масалалар таҳлил этилган⁶. Мустақиллик йилларида ўзбек тили соҳавий лексикаси, гидронимлар, Олтой тилларидаги муштарак маиший лексика, тарихий-бадий манбалар лексикаси бўйича ҳам салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган⁷. Бу тадқиқотларда ҳам деҳқончилик лексикасига оид баъзи бир сўзлар таҳлилга жалб этилиб, таълим жараёни учун энг муҳим ва фаол қўлланувчи намуналари қайд қилинган.

Аммо тилшунослигимизда деҳқончилик лексикаси ҳақидаги қарашларнинг назарий жиҳатдан ривожлантиришга муҳтожлиги, бу соҳа лексик бирликларининг нафақат семантик ва грамматик, балки функционал-услубий, ҳамда субстанциал-прагматик имкониятларининг кенгайиб бораётганлиги, терминлик доирасидан чиқиб, умумистеъмолдаги сўзлар сифатида нутқий фаолият жараёнида фаоллиги, деҳқончилик лексикасининг хилма-хил сатҳлари ва уларнинг лисоний бирликларини бир бутун ҳолда, ўзаро боғлиқликда олиб, яхлит бир система сифатида ўрганилмаганлиги билан боғлиқ бир қатор масалаларнинг умумлаштирилган ҳолда махсус тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзунини монографик режада илмий жиҳатдан ўрганишни тақозо этмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг «Ҳозирги ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари» ва «Ўзбек тили лексик сатҳининг система сифатидаги тадқиқи» (2010 - 2015 йй.)

филол. наук. –Ташкент, 1971. – 25 с; Ибрагимова З.Ю. Қорақалпоғистон ўзбек шевалари қишлоқ хўжалиги лексикасининг лингвогеографик тадқиқи: Филол. фанлари номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2009. – 25 б.

⁵Кисляков Н. А. Старинные приёмы земледельческой техники и обряды, связанные с земледелием у таджиков бассейна р. Хингоу // Советская этнография. – Москва, 1947. – №1. – С. 108-125; Мухиддинов И. Земледелие памирских таджиков Вахана и Ишкашима в XIX начале XX вв. (Историко-этнографических очерк) – Москва: 1975. – 127 с; Стеблин-Каменский И.М. Земледельческая лексика памирских языков в сравнительно-историческом освещении: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Ленинград, 1984. – 33 с.

⁶Маматов Н. Узбекская хлопководческая терминология: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1955. – 26 с; Курбанов А. Термины зерновых культур и зернового хозяйства узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1975. – 32 с; Нугманов Т. Термины бахчеводства в узбекском языке: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1971. – 25 с; Ишанкулов Ю. Опыт историко-этимологического анализа названий плодов в узбекском языке: Автореф.дис. ...канд.филол.наук. – Ташкент, 1977. – 25 с; Шерматов А. Узбекские народные говоры Кашкадарьинской области. – Ташкент: Наука, 1978.

– 144 с; Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари (тасниф, текстлар ва луғат). – Тошкент: Фан, 1969. – 169 б; Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари луғати. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – 466 б; Раҳимов С. Ўзбек тили Сурхондарё шевалари. – Тошкент: Фан, 1985. – 96 б.

⁷Абдиев М. Соҳа лексикасининг систем таҳлили муаммолари. –Тошкент: Халқ мероси, 2004. – 115 б; Улуков Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-қиёсий тадқиқи: Филол.фан. д-ри ... дисс. Автореф. Тошкент, 2010. – 48 б; Усманова Ш. Олтой тилларидаги муштарак маиший лексика тадқиқи: Филол.фан. д-ри ...дисс.автореф. Тошкент, 2011. – 42 б; Холманова З. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи: Филол.фан. д-ри ...дисс.автореф. Тошкент, 2009. – 52 б; Абдушукуров Б. «Қисаси Рабғузий» лексикаси. – Тошкент, Академия, 2008. – 188 б.

мавзусидаги илмий-тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида ҳамда ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг ФА-Ф1-Г041 «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш», Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ОТ-Ф6-062 рақамли «Орол ҳавзасида кечаётган гидрологик ва табиий географик жараёнларнинг айрим қонуниятларини тадқиқ этиш» фундаментал илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тили деҳқончилик лексикасининг тил, луғат тизимидаги салмоғини белгилаш, уларнинг бойиш манбалари ва усуллари, тарихий-тадрижий тараққиёти ҳамда тарихий-қиёсий, функционал-стилистик, субстанциал-прагматик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

деҳқончилик лексикасига оид тарихий манбаларда қайд қилинган, изоҳланган луғавий бирликларни картотекалаштириш, маъноларини аниқлаш, ҳозирги деҳқончилик лексикаси билан қиёслаб, уларнинг маъновий тараққиётини очиб бериш;

деҳқончилик лексикасига дахлдор тарихий, этнографик, географик, тупроқшунослик, агрономия, ирригация, мелиорация, гидрология ва гидротехникага доир асарлар, дарслик ва қўлланмалардаги лексик бирликларни аниқлаб, «Ўзбек тили деҳқончилик лексикасининг макро ва микрогуруҳлари ва уларнинг таркибидаги сўзлар» жадвалини тузиш;

деҳқончилик лексикаси шаклланишидаги асосий лисоний ва нолисоний омилларни белгилаш, уларнинг адабий тил ва соҳа адабиётларида қўлланиши билан боғлиқ умумий ва фарқли жиҳатларини ёритиш;

деҳқончилик лексикасининг шаклланиши ва тараққиёти жараёнида яратилган ва лексикографик, терминологик, изоҳли луғатларда қайд этилган айрим лексик бирликларни жадвал асосида қиёслаб, уларнинг қўлланиш доирасини аниқлаш;

деҳқончилик лексикасининг мотивация асосларини экин майдони, экин майдони тармоқлари мисолида мотивланиш белгиларига кўра номланишини жадвалда акс эттириш, мавзуй ва луғавий-маъновий гуруҳларга ажратиш, ҳар бир гуруҳнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўрсатиш;

деҳқончилик лексикасининг шаклланиши ва тараққиёт манбалари асосида лексик қатламлари, структур-грамматик, сўз ясалиши билан боғлиқ хусусиятларини асослаш;

деҳқончилик лексикасининг системавий таҳлилида уларнинг парадигматик ва синтагматик муносабатлари асосида тавсифлаш, изоҳлаш, деҳқончилик лексикасининг тараққиётида моддий асос вазифасини ўтаган ер, сув, экин майдони тушунчаларининг ўзбек тилидаги маъновий, функционал-услубий хусусиятларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қадимги ва ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ёзма манбалар ва Ўзбекистон вилоятлари аҳолиси нутқи танланган.

Тадқиқотнинг предмети XI-XXI асрларда туркий (ўзбек) тилларда яратилган изоҳли, таржима, терминологик луғатлар, Ўзбекистон вилоятлари

деҳқонлари нутқи бўйича муаллифнинг сўнгги 20 йил (1990-2010) мобайнида тўплаган сўзлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, тарихий-қиёсий, компонент таҳлил, этимологик, математик-статистик, ареал методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тарихий ёзма манбалардаги деҳқончилик лексикасига оид луғавий бирликлар билан ҳозирги ўзбек адабий тилидаги деҳқончилик лексикасининг фарқлари аниқланган;

деҳқончилик лексикаси шаклланишидаги асосий лисоний ва нолисоний омиллар аниқланган ва шу орқали уларнинг адабий тил ва соҳа адабиётларида қўлланиши очиқ берилган;

деҳқончилик лексикасининг мотивланиш белгиларига кўра номланиши аниқланиб, макро ва микро, мавзуий ва луғавий-маъновий гуруҳлари ёритилган;

деҳқончилик лексикасининг шаклланиши ва тараққиёт манбалари асосида лексик қатламлари, сўз ясаши билан боғлиқ хусусиятлари аниқланган;

деҳқончилик лексикаси тараққиётида моддий асос вазифасини ўтаган ер, сув, экин майдони тушунчаларининг ўзбек тилидаги лексик-семантик, функционал-услубий хусусиятлари очиқ берилган;

деҳқончилик лексикасининг ўзбек адабий тили лексикасида тутган ўрни ва аҳамияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

деҳқончилик лексикасининг лисоний хусусиятлари билан боғлиқ тўпланган материаллар, қўйилган муаммоларни тадқиқ этиш натижасида чиқарилган хулоса ва умумлаштирилган фикрлар ҳозирги ўзбек тилшунослиги учун муҳим илмий маълумотларни бериши, диссертация материаллари ўзбек тили лексикаси бўйича лексикологик, терминологик тадқиқотлар яратишда манба бўлиб хизмат қилиши, «Тарихий лексикология», «Диалектология», «Этнография», «Фольклор», «Адабий тил тарихи», «Нутқ маданияти» каби фанларни ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериши асосланган;

деҳқончилик лексикаси тадқиқи натижаларидан қишлоқ хўжалиги бўйича соҳавий, изоҳли, таржима луғатлар яратишда, деҳқончилик йўналиши бўйича «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мундарижасида берилган «Деҳқончилик асослари», «Деҳқон хўжалигини ташкил этиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий асослари», «Умумий деҳқончилик асослари» каби фанлардан яратилаётган дарслик ва ўқув қўлланмалар учун материал ва манба сифатида кўмаклашиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг тавсифлаш, таснифлаш, компонент таҳлил, этимологик, математик-статистик каби усуллар билан асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан

тасдиқланганлиги ва буюртма берилганлиги, деҳқончилик лексикасига ўзбек тилининг табиатидан келиб чиқиб ёндашилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация материаллари ўзбек тили лексикаси бўйича лексикологик, терминологик тадқиқотлар яратишда муҳим манба бўлиши, ўзбек халқ соҳавий лексикасини тарихий-этимологик, функционал-семантик жиҳатдан ўрганишда, лексикографик луғатлар тузишда ва амалда мавжуд бўлган терминологик, изоҳли луғатларни бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қишлоқ хўжалиги бўйича соҳавий, изоҳли, таржима луғатлар яратишда, олий ўқув юртларининг филология йўналишида «Лексикология», «Диалектология», «Адабий тил тарихи», «Нутқ маданияти» каби фанларни ўқитишда, деҳқончилик лексикасининг регионал атласини тузишда, қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича агробизнес коллежлари, аграр, ирригация ва мелиорация олий ўқув юртларининг бакалаврият ва магистратура босқичи талабалари учун тайёрланаётган дарслик, қўлланма ва ўқув адабиётларини мукамаллаштиришда, ихтисослик ва талаба танлов фанлари учун тадқиқот мавзуларини танланишида муҳим манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилининг деҳқончилик маданияти билан боғлиқ лексикасининг лингвистик хусусиятларига бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

деҳқончилик лексикасидаги *сувчи, сувчилик, сув ресурси, сув сарфи, сув заҳираси, сув ҳажми, сув юзаси, сув иншооти, ҳавза, ҳовуз, тупроқ, сузорма, тўгон, оқим, кўл, канал, сузориш, ариқ, ирмоқ, қувур* каби 95 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларидан ОТ-Ф6-062 «Орол ҳавзасида кечаётган гидрологик ва табиий географик жараёнларнинг айрим қонуниятларини тадқиқ этиш» фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантириш қўмитасининг 2016 йил 2 ноябрдаги ФТК-03-13/740-сонли маълумотномаси). Илмий натижалар асосида кўплаб деҳқончилик лексикасига оид луғавий бирликларнинг изоҳлари мукамаллаштирилган;

тадқиқотнинг илмий натижаларидан «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг учинчи жилдидаги «Н», «О», «П», «С» ҳарфлари билан бошланувчи *нав, ниш; обканд, обпартав; пайнов, палак; сабза, сардоба,* тўртинчи жилдидаги «Т», «У» ҳарфлари билан бошланувчи *тариқ, тарош, таррак; уват, узумчи, уруг;* бешинчи жилдидаги «Ш», «Э», «Ў», «Қ», «Ғ», «Ҳ» ҳарфлари билан бошланувчи *шўр, шудгор; эгат, экинчи, элма; ўпқон, ўрим, ўғит, ўқариқ; қовунчи, қўш, қўшчи; гарам, галла, гўра; ҳашарчи, ҳосил, ҳосилот* каби 80 дан ортиқ луғавий бирликларнинг маънолари ва лексикографик изоҳлари бойитилган;

муалифнинг 3062 та сўзни жамлаган «Деҳқончилик сўзларининг қисқача изоҳли луғати»да берилган 45дан ортиқ сўзлар (*гулсув, дармон сув, зовурсув, сувёпгич* каби), 30 га яқин мақоллар (*асад суви – асал суви, балиқнинг*

тириклиги сув билан, деҳқоннинг тириклиги ер билан, гапнинг онаси – қулоқ, сувнинг онаси – булоқ, деҳқоннинг иши ер билан, ернинг иши сув билан каби), 40 дан ортиқ фразеологик бирликлар (*сиркаси сув кўтармайди, сувдан қуруқ чиқмоқ* каби)дан «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»даги лексикографик талқинларнинг янада асосли бўлиши ва бойитилишида фойдаланилган. (Фан ва технологияларни ривожлантириш қўмитасининг 2016 йил 13 октябрдаги ФТК-03-13/690-сон маълумотномаси). Натижада кўплаб луғавий бирликлар, мақоллар, фразеологик бирликларнинг изоҳлари мукаммаллашган, иллюстратив мисоллар билан бойиган;

Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг «Деҳқончилик ва фермерчиликка кенг йўл», «Агросабок», «Тараққиёт сари» каби кўрсатувлари, «Деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик гарови», «Ислоҳот ва самара», «Сув – ҳаёт манбаи» каби кўрсатув ва эшиттиришларида *сув – гўзанинг жони, ўғит – унинг дармони, асад суви – асал суви, хайров тароши билан, қиз бола қоши билан* каби мақоллар ҳамда *лоток, қоқ, ўпқон, жўяк, эгат, пайнов, сардоба, партов, чил, шира, , хокоб, шохоб, хайров, хайров оши, богчи, каканак, миргай, суржуна, хамма, това, думбиқ, тобчи* каби 285дан ортиқ сўзлардан фойдаланилган ҳамда тадқиқотчининг деҳқончилик маданияти билан боғлиқ айрим мулоҳазалари, деҳқончиликнинг илмий ва амалий асослари, расмий ҳужжатларда деҳқончилик соҳасидаги сўзларнинг маъносини тўғри қўллашга эътибор бериш каби фикрлари билан бойитилган. (Қашқадарё телерадио- компаниясининг 2017 йил 2 октябрдаги 12-09-811-сонли маълумотномаси). Натижада кўрсатув ва эшиттиришларнинг сценарийлари илмий манбалар билан бойиган, телетомошабинлар ва радио эшитувчилар ушбу масалалар юзасидан кўпроқ маълумотга эга бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 35 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 68 та илмий иш нашр этилган, шундан 3 та монография, 1 та изоҳли луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та илмий мақола, жумладан, 16 таси республика ҳамда 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, ахборотчилар ҳақидаги маълумот, шартли қисқартмалар ва 20 та жадвалдан иборат бўлиб, ҳажми 252 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, илмий изланишнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети ифодаланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси

ёритилган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқотда фойдаланилган усуллар, ишнинг синовдан ўтиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Дехқончилик лексикасининг шаклланиши ва тараққиёт манбалари**» деб номланган. Бобнинг биринчи бўлимида «Дехқончилик лексикасининг халқ тарихи ва тил тарихи аспекти ва дехқон лексемасининг этимологияси» тадқиқ этилди. Унда дехқончиликнинг пайдо бўлиш, ривожланиш тарихи ва бевосита бу жараённинг инъикоси сифатида дехқончилик лексикасининг пайдо бўлиши, шаклланиши, тараққиёти, луғавий қатламининг ҳозирги кўриниши, ўзбек халқининг дехқончилик тараққиёти тарихи билан узвий боғлиқлиги тарихий ёзма манбалар, луғатлар асосида ўрганилди.

Машҳур тилшунос И.И.Срезневский: «Халқ ўзини аниқ ва равшан ҳамда тўлалигича тилида намоён этади. Халқ ва тил бир-бирисиз мавжуд бўлмайдилар»⁸,— деб таъкидлаганди. «Халқ тарихининг тил тарихи ва, аксинча, тил тарихининг халқ тарихи эканлиги аллақачон ўз исботини топган»⁹ лиги дехқончиликка оид луғавий birlikлар асосида аниқланган.

Дехқон лексемасининг пайдо бўлиш тарихи тарихчи, географ, қадимшунос, элшунос ва тилшуносларни қизиқтирганлиги маълум. Хусусан, С.П.Толстов, В.В.Бартольд, А.Муҳаммадҷонов, П.Равшанов каби тарихчилар; Б.Жўраев, Б.Бафоев, М.Пенҷиев сингари тилшунослар бу ҳақда турли қарашларни илгари сурганлар. Б. Жўраев ўзбек ва тожик халқлари *деҳқон* сўзини бир хил маънода қўлланганлигини айтиб, лексемадаги *деҳ* «қишлоқ», «қишланадиган жой» маъносида Юқори Қашқадарё ҳудудида яшовчи тожиклар нутқида мустақил ишлатилганини аниқлаган. Ҳозирги ўзбек шеваларида бу сўзнинг *деҳқон*, *де:қон*, *дъйқон*, *ди:қан*, *ды:қан* каби кўринишлари мавжуд. Б.Жўраевнинг фикрича, *деҳқон* сўзи форс-тожик тили асосида юзага келган бўлиб, аслида, *деҳйгон* (*деҳй*—қишлоқлик ва *-гон* кўплик кўшимчаси, яъни *қишлоқликлар*) шаклида ишлатилган бўлиши мумкин. *Деҳйгон* сўзидаги [г] жарангли ундошининг о унлиси олдида қ тарзида талаффуз этилиши табиийдир. Бу сўз дастлаб ҳар икки тилда ҳам «маълум жойга мансуб шахслар», яъни «қишлоқликлар» маъносини англатган кейинчалик сўз маъносида шахсларнинг касб-ҳунар белгиси устунлашиб, касб, машғулот англатувчи сўзга айланиб қолган¹⁰.

Дехқончилик лексикаси (ДЛ) дейилганда, экин майдони (ер, тупроқ), унга ишлов бериш, экин экиш, уни парвариш қилиш ва ҳосил етиштириш билан боғлиқ жараёнларни ифодаловчи лексик birlikлар қатлами тушунилади. Мазкур қатламга оид сўзларнинг генетик асослари, тараққиёт манбалари, шаклланиши, бойиш йўллари аниқлаш, ясашиш хусусиятлари, дехқончилик объектларининг мотивланиш белгиларига кўра номланиши ва ҳозирги системавий ҳолатини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

⁸Срезневский И.И. Мысли об истории русского языка. – М.: Наука, 1959. – С. 16-17.

⁹Кодухов В.И. Общее языкознание. – М.: Наука, 1977. – С.7-8.

¹⁰ Жўраев Б. «Дехқон» сўзи қаердан келиб чиққан? // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1966. – №3. – Б. 85.

Иккинчи бўлимда «ДЛнинг ўз ва ўзлашма қатламлари» ўрганилган. ДЛдаги ўз қатлам туркий, мўғул ва ўзбекча сўзларга ажратилган. ДЛдаги ўз қатлам сўзларини таҳлил этишда «Қадимги туркий луғат» (1969)дан фойдаланилди.

Луғатдаги деҳқончиликка оид сўзлар ҳозирги ўзбек тилидаги сўзлар билан таққосланди. Таққослаш натижаси қадимги туркий тилга оид деҳқончилик билан боғлиқ сўзларнинг ҳозирги ўзбек тилида ҳам қўлланишини кўрсатиш билан бирга туркий халқларнинг қадимдаёқ деҳқончилик маданияти ривожланганлигидан далолат берди. Қуйидаги жадвалда ДЛдаги айрим сўзларнинг қадимги ва ҳозирги ўзбек тилидаги қўлланиши қиёсланди.

1-жадвал

ДЛдаги айрим сўзларнинг қадимги ва ҳозирги ўзбек тилидаги қиёси

«Қадимги туркий луғат»да	Ҳозирги ўзбек адабий тилида	«Қадимги туркий луғат»да	Ҳозирги ўзбек адабий тилида
arpa (53)	<i>арпа</i>	butaq (129)	<i>бутоқ</i>
buʻdaj (120)	<i>буғдой</i>	jer (257)	<i>ер</i>
čečak (143)	<i>чечак</i>	atiz (67)	<i>экин майдони</i>
ekin (168)	<i>экин</i>	uruγ(615)	<i>уруғ</i>
alma (36)	<i>олма</i>	topraq (575)	<i>тупроқ</i>

Қуйида келтирилган мисоллардан халқларнинг турли тарихий шароитлардаги иқтисодий ва маданий алоқалари ва ўзаро қўшничилик муносабатлари лексик параллелларни пайдо қилганини кўриш мумкин.

2-жадвал

Туркий тиллардаги ДЛга оид луғавий бирликлардан намуналар

ўзб.	озарб.	қирғ.	қоз.	татар	туркм.	ққалп.	уйғур
<i>ер</i>	<i>йер</i>	<i>жер</i>	<i>жер</i>	<i>эҗир</i>	<i>йер</i>	<i>жер</i>	<i>йэр</i>
<i>сув</i>	<i>суу</i>	<i>суу</i>	<i>су</i>	<i>су</i>	<i>суу</i>	<i>суу</i>	<i>су</i>
<i>уруғ</i>	<i>уруғ</i>	<i>уру:</i>	<i>ўрық</i>	<i>ыру</i>	<i>уруғ</i>	<i>уруғ</i>	<i>уруғ</i>
<i>эқмоқ</i>	<i>икмек</i>	–	–	–	<i>екмек</i>	–	– ва б.

Қишлоқ хўжалиги учун металл асбобларнинг кашф этилиши *пахтачилик*, *ғаллакорлик* ва бошқа деҳқончилик соҳаларининг янада ривожланишига имкон берган. Бунинг натижасида XI асрлардаги қабилалар ва халқ тилининг луғавий фонди бойиган, касб-хунар билан боғлиқ лексика юзага келганки, уни М.Кошғарийнинг луғати ҳам тасдиқлайди. «Девону луғотит турк»га киритилиб, изоҳланган бош сўзлар (омонимлар билан бирга) 7243 та, ундан касб-хунар терминлари 1561 та. 1561 та сўзнинг 400 га яқини ўша давр ёзма адабиётида, хусусан, «Қутадғу билиг»да ҳам қўлланган¹¹.

Бизнинг кузатишларимиз «ДЛТ»да деҳқончиликка оид 350 та сўз мавжудлигини кўрсатди. «ДЛТ»даги деҳқончиликка оид сўзларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

¹¹ Иброҳимов С., Асомуддинова М. XI асрдаги туркий тилларда касб-хунар атамалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1971. – № 5. – Б. 57-58.

1. Ер, тупроқ ва экин экиладиган пайкалларнинг чети, ер тузилиши ва тупроқ турларини билдирувчи сўзлар: *эр* – ер (I,80), *алаң* – алаң, *јазі* – текис майдон, яланг сахро (I,154)¹², *табіз* – тузли, шўрхоқ ер (I,345), *қажір* – туркий халқлар тилида юмшоқ ер (III,180), *сај* – кора тошли ер (III,173), *тупрақ* – тупроқ (I,434).

2. Дехқончиликка оид касб-кор ва қурол-яроғларни билдирувчи сўзлар: *ўғитчи* – буғдой ва бошқа донларни янчувчи кимса (I,85), *амач* – омоч (I,86), *азрі* – айри – буғдой совуриш учун қўлланадиган асбоб (I,146), *эскў* – элак, галвир (I,149), *тарігчи* – дон экувчи киши (III,260).

3. Экин экиш билан боғлиқ сўзлар: *атізладі* – ажратиб қўйди. (*Эр јерін атізладі* – одам ерини ариқ тортиб, экин экиш учун тайёрлаб қўйди) (I,294), *таріді* – экди (*Ол таріг таріді* – у экин экди) (III,278) .

4. Уруғ номлари: *бэнәк* – дона, уруғ (I,367), *таріг* – уруғ (бу сўз дон экинларининг ҳаммасига умумий равишда қўлланувчи номдир) (I,354), *уруғлуқ* – уруғлик, (*уруғлуқ буғдај* – уруғлик буғдой, урукка сақланган буғдой) (I,166).

5. Экин номлари: *таріг* – буғдой (бу кўпчилик турк қабилаларида, фақат ўғузлардагина «тариқ» маъносидадир. Бу янглишдир. Булар буғдойни *ашлік* дейдилар) (I,354), *арпа* – арпа (*арпасиз аш ашумас* – арпасиз от кир ошолмайди) (I,145).

6. Дехқончилик маҳсулотларини ўриш, янчиш, сақлашни билдирувчи сўзлар: *ору* – ўра (буғдой ва бошқа нарсаларни сақлаш учун қазилган чуқур) (I,115), *ўғит* – буғдой ва шу қабиларни янчиш (I,85), *таріглік* – дон сақланадиган омбор ва бошқалар.

Бобнинг 3-, 4-, 5-, 6-бўлимларида ДЛнинг ўз қатлами хусусида фикр юритилган бўлиб, унда ДЛнинг қадимги туркий қатлами, туркий ва мўғул тилларига хос луғавий бирликлар, ўзбек тилининг ўз ички имкониятлари асосида яратилган ўзбекча сўзлар таҳлил этилди. Бу соҳага оид ўзбекча сўзлар ўзбек халқининг ижтимоий ҳаёти, турмуши, дехқончилик жараёнида пайдо бўлган луғавий бирликларидир.

Тўпланган луғавий бирликлар ўз қатламга оид лексемаларнинг ранг-баранглигидан далолат беради. Фикримизни дехқончиликка доир умумтуркий тилларда муштарак қўлланадиган сўзлар ҳам тасдиқлайди: *бошоқ*, *жўхори*, *чопиқ*, *қўш* каби. Буни қуйидаги жадвалда ҳам кўриш мумкин:

3-жадвал

Туркий тиллардаги муштарак луғавий бирликлар

ўзб.	қоз.	қирғ.	озарб.	бошқирд	уйғ.	туркм.	тат.
<i>сув</i>	<i>сусьу</i>	<i>су, суу</i>	<i>су</i>	<i>су, хьу</i>	<i>су, сувь</i>	<i>сув</i>	<i>су</i>
<i>арпа</i>	<i>арпа</i>	<i>арпа</i>	<i>арпа</i>	<i>арпа</i>	<i>айпа</i>	<i>арпа</i>	<i>арпа</i>
<i>ер</i>	<i>жер</i>	<i>жер</i>	<i>ер</i>	<i>ер</i>	<i>ер</i>	<i>жер</i>	<i>ер</i>
<i>эк</i>	<i>ег</i>	<i>эк</i>	<i>эк</i>	<i>иг</i>	<i>ек</i>	<i>эк</i>	<i>иг</i>

¹² Мисоллар «Девону луғотит турк»нинг Солиҳ Муталлибов томонидан тайёрланган нашридан олинди. Қавс ичидаги рақамлар асарнинг жилди ва саҳифасини кўрсатади.

Тадқиқотда ДЛдаги ўзбек тилига мансуб сўзларнинг барчасини кенгрок изоҳлаш ва таҳлил этишга ишнинг ҳажми имкон бермагани сабабли ДЛда асосий ўрин тутувчи айрим сўзларни батафсил таҳлил қилдик. Зотан, «тилларимиз, асрлар юкини мардона ташиган сўзларимиз кўзимизга ҳам таниш, ҳам нотанишга ўхшаб кўринмаслиги учун бу сўзларнинг бутун ҳаёт тарзию, бугунги туриш-турмушини чуқур тадқиқ этмоқ керак»¹³. Шу боис тадқиқотда сув лексемасининг ёзма манбаларда қайд этилиши, бу лексема иштирокида қандай сўз ва бирикмалар ясалганлиги ва унинг таракқиёт манбалари мисоллар асосида исботланди¹⁴.

«XII–XIII асрлар Ўрта Осиё Тафсири лексикаси»да сув сўзи қуйидагича изоҳланган: *суw* – сув, шарбат, ичимлик (*суw ақа башлади* – сув оқа бошлади), *сувар* – сув қўйиш, *суwса* – сувсамоқ, ташна бўлмоқ, *суwсозлоқ* – сувсизлик ва бошқалар¹⁵.

«Эски ўзбек тили. XIV аср Хоразм ёдгорлиги»да (=суv=су) – сув (Мана бир ичим сув берсангиз болмазму, мени сувсизму олтирурсиз – менга бир ичкилик сув берсангиз бўлмайдими, мени сувсиз ўлдирмоқчимисиз), *сувар* – суғор, *суварыл* – суғорил, *суvсузлуқ* – сувсизлик, *суvлаг* – сув ичиладиган жой, *суvлуғ* – сувли, *суvса* – ташналик, сувга зориқмоқ, *суvсам* – сувга зориқтирмақ, *суvгар* – суғор, сув ичирмоқ, *суvсалиқ* – ташна¹⁶ тарзида изоҳланган.

Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида су(v) سو – сув (*хилимлық су(v)ын сач ол отны өчүр*— мулойимлик билан сувни сочиб, у ўт (олов) ни ўчир¹⁷) маъносида акс этган.

«Қадимги туркий луғатда» сув [*sub≈sug≈cuw≈*] сўзининг «суv», «намлик», «суюқлик»; *suva* сўзининг «суғормоқ», «намламоқ» (*quruу jerig suvaju* – куруқ ерни суғориб), *suval* сўзининг «суғорилган» (*tariу suvaldi* – тарик суғорилди), *suvуar* сўзининг «суv ичириш», «суv бериш»; *suvsa* сўзининг «ташна бўлмоқ», «ташналик»; *suvsaliq* сўзининг «ташна»; *suvsat* сўзининг «ташна қилмоқ» (*ol anі suvsatti* – у уни сувга ташна қилди)¹⁸ маъноларини ифодалашади қайд этилган.

Л.Будаговнинг «Турк-татар тилининг қиёсий луғати»да апеллятив ов//об (су) сўзи «дарё», «дарёча», «кўл», «денгиз»¹⁹.

В.Радловнинг луғатида *су́*, *су ≈ суу*, *суғ сун≈суб≈суw*²⁰ сўзи «суv», «дарё», «намлик», «суюқлик», «шарбат» маъноларини билдиргани айтилади. «Туркий тилларга ноёб тухфа» асарида *су*, *суv*, *су сугар* – «суғортирмоқ»,

¹³ Маҳмудов Н. Қариндош тилларнинг луғат бойлигини ўрганишда шакл ва маъно муносабати // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 1997. – № 2. – Б. 35.

¹⁴ Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Жабборов Х. Сув лексемасининг луғавий-маъновий хусусиятлари. – Қарши: Насаф, 2005. – 152 б.

¹⁵ Боровков А. К. Лексика Среднеазиатского тефсира XII–XIII вв. – Москва: Восточной литературы, 1963. – С. 275.

¹⁶ Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. – Ташкент: Наука, 1971. Том II. – С. 303.

¹⁷ Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1972. – Б. 282-299.

¹⁸ Древнетюркский словарь. – Ленинград: Наука, 1969. – С. 14, 512, 515, 516.

¹⁹ Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Том I–II. – Москва: Наука, 1869-1971. Том 1. – С. 1-2.

²⁰ Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Том: I-IV. Спб. – Москва: Наука, 1899, 1911. Т.4. – С. 743, 746, 787, 790.

сучы «сув ташувчи»²¹ маъноларини, В.Вербицкийнинг «Туркий тилларнинг Олтой ва Олатоғ сўзлари луғати»да *су*, *суг сув* сўзи «хўл» деб изоҳланган. Бу сўздан *суула // сугла* (намлаш), *суучы* (сузувчи), *сугар* (суғормоқ), *сувалгы* (сув олинадиган жой), *сууза* (ташналик) каби сўзлар ҳам ясалган²².

П.М.Мелиоранскийнинг «Араб филологлари турк тили ҳақида» асарида *أُصُون* *усун сув*²³ шаклида берилган. Кўринадики, *сув* сўзи XI аср ва ундан кейинги ёзма ёдгорликларда турли фонетик шаклларда учрайди ҳамда ўзига хос сўз ясаш имконияти билан бошқа лексемалардан ажралиб туради.

«ДЛда ўзлашма қатламлар» деб номланган еттинчи бўлимда ўзлашма қатламга мансуб сўзлар таҳлил этилди.

Ўзбек ва тожик халқларининг ўзаро ҳамкорлиги ва дўстлиги натижасида ўзбек ва тожик тиллари бири-иккинчисидан сўз ўзлаштириб ривожланган. Бу халқларнинг узоқ йиллик ҳамкорлиги айни соҳа лексикасида ҳам сезиларли из қолдирган. Тожик тилидаги деҳқончиликка доир *деҳқон*, *мироб*, *кориз*, *пайкал* каби кўплаб сўзлар ўзбек тилининг мулкига айланди.

Асли тожикча *об* сўзи иштирок этган лексемалар ўзлашганлиги аниқланди, масалан: *гирдоб*, *лойоб*, *хайров* каби.

ДЛда арабча сўзлар унчалик катта миқдорни ташкил этмаса-да, маълум даражада учрайди: *анҳор*, *мулк*, *арбоб* каби.

ДЛ таркибида рус тилидан ўзлашган сўзлар ҳам мавжуд, уларни қуйидагича мавзуй гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Ирригацияга оид: *ирригатор*, *ирригация*, *водопровод*, *лоток*.
2. Мелиорацияга оид: *мелиорация*, *дренаж*, *коллектор* ва б.
3. Қишлоқ хўжалигини бошқариш ва агрономик тадбирларга оид: *карта*, *бригада*, *звено* ва б.
4. Заҳарли дориларга оид: *никотин-сульфат*, *кальций арсенат* ва б.
5. Минерал ўғитларга оид: *суферфосфат*, *селитра* ва б.
6. Ўсимлик касалликлари ва уларни қўзғатувчи бактериялар, уларнинг олдини олишга оид: *бактерия*, *вирус*, *паразит* ва б.
7. Қишлоқ хўжалик техникаларига оид: *бульдозер*, *культиватор* ва б.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Деҳқончилик лексикасининг ясалиш хусусиятлари**» деб номланган. Мазкур бобнинг биринчи бўлимида ўзбек тилининг ДЛ структур-морфологик жиҳатдан туб ва ясама сўзларга ажратилиб таҳлил қилинган. Шунингдек, ўзбек тилининг ички имкониятларига таяниб, ички ва ташқи ресурслар асосида сўз ясаш, эскирган луғавий бирликларни қайта фаоллаштириш ва диалектал сўзлар ҳисобига бойиши ҳисобга олинган²⁴. Бу гуруҳга янги пайдо бўлган сўзларни ҳам киритиш мумкин.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, ДЛнинг маълум бир қисмини туб сўзлар ташкил этади ва уларнинг муайян қисми ташқи манбалар орқали ўзлашган: *марза*, *аграр*, *фермер*, *ширкат* каби.

²¹ Изысканный дар тюркскому языку. – Ташкент: Фан, 1978. – С. 376-377.

²² Вербицкий В. Словарь Алтайского и Аладагского наречий тюркского языка. – Казань, 1886. – С. 306-307.

²³ Мелиоранский П.М. Арабь филологь о турецком языке. – Санк-Петербург, 1900. – С. 125.

²⁴ Ҳожиёв А. Ўзбек адабий тилининг таракқиёти. Уч жилдлик. – Тошкент: Фан, 1991. 3-жилд. – Б. 128.

ДЛга оид туб сўзлар 582 тани ташкил этади. Буни қуйидаги жадвал мисолида кўриш мумкин:

4-жадвал

ДЛда туб сўзлар миқдори

Алифбо тартибида	Мисоллар	Миқдори
А	аграр, агрегат, агроном, арава...	31
Б	барак, бригада, бригадир...	52
В	вилт, вегетация, вирус, вертушка...	12
Г	гул, гидрон, гирдоб, гирд...	17
Д	дала, деҳқон, дон, дамба...	32
...
Ҳ	ҳосил, ҳайров, ҳашар, ҳовуз...	12
		Жами: 582

Ушбу бобнинг иккинчи бўлимида аффиксация усули билан ясалган ДЛга оид бирликлар ёритилган. Бу соҳага оид бирликлар *-дон, -лик, -каш* каби от ясовчи қўшимчалар билан, *-ли, -сиз* каби сифат ясовчилар билан, *-ла, -лан* каби феъл ясовчи қўшимчалар билан юзага келган ва улар бугун ДЛнинг таркибий қисми сифатида кенг қўлланмоқда.

-чи қўшимчаси. Ишда ўзбек адабий тилида *-чи* қўшимчасининг вазифаси, сўз ясашидаги ўрни, маҳсулдорлиги ва бошқа хусусиятлари хусусида туркий ва ўзбек тилшунослигида жуда кўплаб мисоллар асосида батафсил фикрлар билдирилгани ҳолда авторефератда бу қўшимчанинг келиб чиқиши, сўз яшаш имкониятлари хусусида баъзи мулоҳазаларгина келтирилди.

М.Кошғарийнинг «Девони»да *-чи* қўшимчаси хусусида қуйидаги фикрлар учрайди: «Исмларга *جى* чї қўшиб, ҳунар эгаси исмлари яшашда ҳамма қабилалар иттифоқдирлар, бунда фарқ қилмайдилар. Чунончи: *ترغ* таріғ – дон, *ترغچى* таріғчї – дон экувчи, *اتك* этўк, *اتكچى* этўкчї – этик тикувчи каби бўлиб, уларда исм ясовчи қўшимча *ج* билан *ى* яъни – чї экани аниқдир»²⁵. Келтирилган мисоллардаги *таріғчї* атамасини ДЛга оид қадимги лексема сифатида баҳолаш мумкин. Қолаверса, айна қўшимчанинг келиб чиқиши хусусида туркологияда аниқ фикрлар бўлмаса ҳам, «шу нарса маълумки, бу қўшимча қадимги туркий (олтой) тилларда асрлар давомида яшаб келаётган ўзининг товуш таркиби ва маъно кўламига эга»²⁶. А.Ҳожиев ҳам *-чи* аффикси ёрдамидаги от ясашиш типларининг ҳаммаси ҳозирги тилда маҳсулдор, жонли, яъни иш кўриши тўхтамаган сўз ясашиш типлари²⁷ эканини алоҳида таъкидлайди.

²⁵ Кошғарий М. Кўрсатилган асар. 2-жилд. – Б. 54.

²⁶ Гарипов Т. М. Башкирское именное словообразование. – Уфа: Башкирское АН, 1969. – С. 62.

²⁷ Ҳожиев А. Кўрсатилган асар. – Б. 38.

Биз олиб борган кузатишлар ҳам *-чи* кўшимчасининг ДЛда анча маҳсулдор эканлигини кўрсатди, яъни айна соҳада *-чи* аффиксли 110 та сўз мавжудлиги аниқланди.

-чилик кўшимчаси. *-чилик* шахс оти ясовчи *-чи* ва мавҳум от ясовчи *-лик* аффиксининг кўшилуvidан ҳосил бўлган мураккаб кўшимчадир. ДЛда от ва сифатларга кўшилиб сўз ясайди: *бугдойчилик, пишиқчилик* каби. Бу кўшимча воситасида етиштириладиган, ўстириладиган экинлик турларини билдирувчи отлар ясалади: *кўчатчилик, узумчилик, кўкчилик* (сабзи, шолғом, карам, турп билан шуғулланувчи соҳа). Шу боис Косон туманининг Эсавой, Тинибек қишлоқларида сабзи, шолғом, карам етиштирувчиларни маҳаллий аҳоли *кўкчи* деб юритади. *Кўкчи* сўзига *-лик* аффикси кўшиб, *кўкчилик* сўзи ҳам ҳосил қилинган. Қашқадарё шеваларида *кўкатчилик* сўзи ҳам халқ нутқида қўлланиши аниқланди.

-лик кўшимчаси. Бу кўшимча, асосан, от, сифат туркумига оид сўзлардан от ясайди. Туркий тилларда *-лик, -лыг, -луг, -луғ, -луқ* каби шаклларда қўлланивчи бу аффикс туркий ёдномаларда анча маҳсулдор бўлган.

ДЛда *-лик* кўшимчаси жой, касб-хунар, жараёни билдирувчи сўзлар ясайди: *мироблик, арпалик, сувлик, мошлик* ва бошқалар.

XX асрнинг 20-йилларидан сўнг *-лик* аффикси фаоллашган: *агрономлик, бригадирлик. -лик* кўшимчаси билан *бошлик* «арпа бошоғининг донли қисми» маъносидаги сўз ҳам ясалган. Мустақиллик даврида *-лик* кўшимчаси *фермерлик, ширкатлик* каби сўзлар таркибида янада фаоллашди.

-ак (*-аг, -оқ, -оғ*) кўшимчаси. Тилнинг узоқ ўтмишида бу кўшимча от, феъл, сифат ва тақлид сўзларга кўшилиб, сув иншооти, ўсимлик ва уларнинг қисм номларини ясаган: *дар+ак=дарак, бута+қ=бутақ, бош+оқ=бошоқ* ва бошқалар.

-гич (*-ғич, -кич, -қич*) кўшимчаси. Бу кўшимча воситасида иш-ҳаракат учун мўлжалланган, шундай иш-вазифани бажарувчи нарсани билдирадиган сўзлар ясалади: *ағдаргич, сугоргич* ва бошқалар.

-в, -ув кўшимчаси. Бу кўшимча феъл ва от туркумига оид сўзлар ясайди: *битов, қамов, ёнув* (сув йўлини ёпиш), *кечув, бандлов* ва бошқалар. *-вчи* кўшимчаси билан суфформа деҳқончилик иши билан шуғулланадиган шахслар номини ясайди: *сувловчи, сув ҳайдовчи*.

Тадқиқотда *сув* лексемасига турли кўшимчалар кўшилиши натижасида 700 та кўшма ва бирикмали сўзлар ясалганлиги аниқланди. Ишда *сув* лексемасидан аффиксация воситасида ясалган от, сифат, феъл туркумидаги сўзлар атрофлича таҳлил этилган.

Учинчи бўлим «Деҳқончилик лексикасининг композиция усули билан ясалиши» деб номланган. Композиция усули билан сўз ясалиши ҳозирги ўзбек адабий тилидагидек ДЛда ҳам етакчи ўринни эгаллаши аниқланган.

Тадқиқот жараёнида халқ сўзлашув нутқи ва луғатлардан деҳқончилик билан алоқадор 4800 та бирикмали термин картотекалаштирилди. 4800 та бирикмали терминларнинг 3200 га яқини, яъни 65 фоизи икки ва ундан ортик компонентли бирикмалардан ташкил топгани аниқланди.

ДЛга доир қўшма сўзлар ва бирикмали терминларнинг қуйидаги ясаиш моделлари мавжуд:

1. От+от типидagi қўшма сўзлар:

а) *ўқариқ, эгачиқ*;

б) биринчи қисми туб, иккинчи қисми ясама от бўлган қўшма сўзлар: *ер ўлчагич*.

2. Сифат+от типидagi қўшма сўзлар: *дамариқ, шўрсув*.

3. Феъл+феъл типидagi бирикмалар: *бостириб суғориш, томчилатиб суғориш*. Таъкидлаш лозимки, суғориш билан боғлиқ бирикмалар жонли сўзлашувда катта миқдорни ташкил этади: *жилдиратиб суғориш, нагорлатиб суғориш* ва бошқалар.

Иккинчи бобнинг тўртинчи бўлимида ДЛга оид мураккаб бирикмаларнинг ясаиши ўрганилган. Бундай бирикмали терминлар икки ёки ундан ортиқ сўзлардан иборат бўлади.

ДЛга оид мураккаб бирикмалар қандай сўз туркумларидан тузилганлигига кўра қуйидагича таснифланди:

а) от+от+от типидagi мураккаб бирикмалар. Бу типдagi бирикмаларда биринчи қисм бош келишиқда, иккинчи қисм эгалиқ қўшимчаси билан келади: *илонизи ариқ*;

б) сифат+от+ҳаракат номи типидagi мураккаб бирикмалар: *кузги шудгор қилиш, ижара пудратида ишлаш*;

в) от+ҳаракат номи типидagi бирикмалар: *экин суғориш, гўза суғориш*; ҳаракат номи+отдан тузилган бирикмалар: *суғорув машина*;

г) равиш+от+ҳаракат номи типидagi бирикмалар: *янгича хўжалиқ юритиш*.

Диссертациянинг «**Дехқончилик лексикасининг мавзуй гуруҳлари ва мотивланиш хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида ДЛга оид сўзлар уч мавзуй гуруҳ (МГ)га ажратилиб, таҳлил қилинган. Ҳар бир МГ яна кичик гуруҳларга бўлиниб тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг «Экин майдонлари ва тармоқларининг мавзуй гуруҳлари. Тупроқ» деб номланган биринчи мавзуй гуруҳида экин майдонларининг мотивланиш белгиларига кўра номлари, экин майдонлари тармоқлари номлари, тупроқ ва унинг турлари номлари, дончилик (ғалла, арпа) микрогуруҳидаги иш жараёнлари ва предмет номлари, экин майдони, унинг таркибий қисмларининг мотивланиш хусусиятлари, ерга уруғ экиш, шудгорлаш, ўғитлаш, дон маҳсулотларини етиштириш, йиғиб-териш олишни ифодаловчи бирликлар таҳлил этилган.

Дехқонлар нутқида экин майдонлари, уларнинг тармоқларини ифодаловчи сўз ва бирикмалар, бизнинг ҳисобимизга кўра, 350 та. Уларнинг 80 таси кўп маъноли, 160 таси эса диалектал сўз бўлиб, 65 таси ЎТИЛда умумистеъмолдаги сўзлар сифатида берилган.

Тадқиқотда дехқончилик объектлари (экин майдони, унинг таркибий қисмлари, тупроқ МГ)нинг мотивланиш хусусиятлари ўрганиб чиқилди. Уларнинг қуйидаги мотивланиш белгиларига эгалиги аниқланди:

Деҳқончилик объектларининг мотивланиш белгилари

Объект	Мотивланиш белгилари
Экин майдони	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳажми ва шакли 2. Жойлашиш ўрни 3. Қарашлилиги 4. Сифати, унумдорлиги 5. Суғорилиш, суғорилмаслиги 6. Ишланиш характери 7. Экилиш вақти 8. Ҳосил йиғиш
Экин майдони тармоқлари	<ol style="list-style-type: none"> 1. Жойлашиш ўрни ва унинг белгилари 2. Шакл ва ҳажми 3. Ишланиш даражаси 4. Қарашлилиги
Тупроқ	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ранги 2. Тузилиши (структураси) 3. Унумдорлиги

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳар бир МГлар алоҳида-алоҳида таҳлил этилди.

1. Экин майдонлари шакли ва ҳажмига кўра 50 та сўз ва бирикма билан ифодаланади: *катта майдон, карта* ва бошқалар.

Чироқчи туманининг Уйшун қишлоғида «дала» маъносида *каттаангар* сўзи ишлатилади. Суғорма ва лалмикор деҳқончилик қиладиган ҳудудларда *кичикангар, бугдойангар* каби сўзлар мавжуд. Улар экин майдонларининг қисқа-узунлиги, катта-кичиклиги ёки экин экилиши ва жойлашишига кўра номланган.

Қашқадарё вилояти аҳолиси нутқида «ер майдони, дала, экин майдони, ўзлаштирилган жой» маъносида қуйидаги сўзлар ишлатилади: *ҳайдов, оқмўла* (Чр.), *оқчагил* (Кт., Шх.), *тошлоқ* (Чр.), *алангер // алангжер* (Як., Қм.) ва бошқалар. Экин майдони ҳажми ва шаклига кўра *пайкал, экин майдони, галлазор – каттамайдон* деб аталади.

2. Экин майдонлари жойлашиш ўрнига кўра 20 та сўз ва бирикма воситасида ифодаланган: *бой ери* – бойнинг уйи яқинидаги ер, *орамайдон* – йўл ёқаси, дарё бўйи, уйлар ўртасида жойлашган майдон, *ехти* – уйдан узоқроқ масофада жойлашган томорқа; *обкўра // обхўра* – бир қулоқдан сув ичадиган ер (Шх.) сингари. Бундай сўзлар ҳам «экин майдони» маъносида воҳа аҳолиси нутқида ишлатилади.

3. Экин майдонлари қарашлилигига кўра 16 та сўз ва бирикма билан ифодаланади: *давлат ери, фермер ери* ва бошқалар.

4. Сифати ва унумдорлигига кўра 30 та сўз ва бирикмадан иборат: *сифатли ер, унумдор тупроқ* ва бошқалар.

Оқер – суғоришга тайёр қилиб қўйилган, арпа, буғдой экишга шай экин майдони. Қуйи Қашқадарё (Қс., Мр., Мб.) туманларида «унумдор, сувли ер майдони»ни англатувчи *бўзлоқ* атамаси (Чр., Ғз., Қм.) эса *бўз, бўз ер* деб юритилади. *Сўлқилдоқ ер* – етилган, кўпчиб турган ер, *заммуллик* – экин экилса бўладиган ер, *гўмпар* – гўнганган, маҳаллий ўғит солинган ер.

Экин майдонининг *сифатсизлиги ва унумсизлигига* кўра: ҳар йили экин экилиб, чарчаб қолган ер – *чарчиқ* (жер) дейилади. *Шўр* – тузи кўп ер (Чр., Як.) *Шўр ер // шўрхок*. Янги ўзлаштирилган унумсиз ерлар – *дошхал // дашқал* деб юритилади (Чр, Қм.). Шўрлаб, ёрилиб кетган ер – *оқова қачқан ер*, экиш мумкин бўлмаган ер – *чағат*, ярқсиз ер – *бузуқ ер*, Шахрисабз туманида кам ҳосилли, унумсиз, ярқсиз ерлар – *ташландиқ ер* деб ҳам юритилади.

Экин майдонлари (ер, тупроқ)нинг сифати ва унумдорлик даражасига кўра номланишида шевалараро фарқ бор: *менг, бойир ер, бўзлоқ ер, оқ пайкал* – бир неча йил экин экилмай қолган ер. *Унумсиз тупроқ, арриқ ер* ва шу каби сўзларда мотивланиш аниқ сезилиб турса-да, *зайак, алан, ангар* каби сўзларда мотивланиш хиралашган.

5. Суғорилиш ва суғорилмаслигига кўра экин майдонини ифодаловчи бирликлар миқдори 40 та. Бу микрогуруҳдаги сўз ва бирикмаларни ҳам икки гуруҳга бўлиш мумкин:

а) суғорилишига кўра: *обикор деҳқончилик, суғорма деҳқончилик*;

б) суғорилмаслигига кўра: *дапсан* – суғорилмайдиган паст тепалик, *йобра* – ўзлаштирилмаган, суғорилмаган (сув ичмаган) ер, *ақ ер // оқ ер* – сув чиқмайдиган бўз ер, *карим // қорим* – дўнг, тепа ер, *чоти ер* – суғорилмаган, суғоришга тайёрлаб қўйилган ер. *Хокон // хокоб ер* – экин экилгач, суғорилмаган майдон, *монди* – сув чиқмайдиган баланд ер (Дх), *долдирға* – сув чиқмайдиган тепалик.

6. Экин майдонининг ишланиш характериға кўра ҳосил бўлган сўз ва бирикмалар ҳам 50 та. Экин майдониға ишлов беришда бир жуфт ҳўкиз қўшиб ишлатиладиган қадимги ибтидоий қуроллар *ёғоч сўқа ва ооч* бўлган. Бу МГга ернинг ишланиш характериға кўра экинни экиш, чопиш, ҳайдаш каби жараёнларни англатувчи мосламаларнинг ҳам номлари киритилган: *мола, қўш, белгардон* (бел билан ағдариладиган ер), *тошлоқ* ер (Дх.), *тошлоқ* (Чр.), *қийирчиқ* (Як., Нш.), *игир* (Дх.), *аланг ер* (Як., Чр., Қм.), *калгов* (Чр.) ва бошқалар. *Ҳайдалган майдон* (загон), *чорик* – қўш ҳайдаш пайтида эркаклар киядиган оёқ кийим (Ҳайдовга – чорик, сувга – арик) (Шх.), *чопиқ* (пуштани чопиқ қилиш) сингари. *Янги ер* (Қр) «ишланган, ўзлаштирилган ер» маъносини, *тўқай ер, боир ер* (Чр.) «ишланмаган ер», *гўраша* «яхши ишлов берилмаган, майин ҳолга келмаган тупроқ, лой», *ёғиз* «ўзлаштирилмаган, бўз тупроқли ер» (Кт.), *тим* «ўзлаштирилмаган, унумдор ер» (Ғр., Қм., Дх.) маъноларини англатиш учун қўлланади. Чироқчи туманида *тимнинг тин // тинг ер* варианты ҳам учрайди. Ерни шудгорлаш ва тупроқни юмшатиш мотиви асосида *молалаш* сўзи ясалган.

7. Экиннинг экилиш вақти ва экин турига кўра. Экиннинг экилиш вақтига қараб экин майдонлари *кузги майдон*, *баҳорги майдон* деб юритилади ва бу номлар адабий тилда ҳам мавжуд. Шунингдек, *баҳорги буғдой*, *кузги буғдой*, *баҳорги зигир*, *кузги кунжут* кабилар ҳам экиннинг экилиш вақтига кўра номланади.

8. Ҳосили йиғиштириб олинган экин майдонларининг атамалари: буғдойпоя, ангар, қолдиқ, анғиз, арпачак²⁸ каби.

«Экин майдони тармоқларининг номи» деб аталган иккинчи гуруҳда *чел* (Кт, Шх, Як, Кр) «суғорма деҳқончиликда экин майдони тармоқлари», «*яккапайкал*» фақат бир хил экин экилган майдон», *чек* «томорқа» маъноларидаги кўплаб сўзлар қўлланиши ўрганилган.

«Тупроқ турлари номи» деб номланган учинчи гуруҳда тупроқ таркиби ва унумдорлигига кўра қуйидаги номларга эга: *оқ тупроқ*, *қора тупроқ* ва б. Мотивланиш белгиларига кўра номлари: 1) таркибига кўра: *қумоқ*, *сақич тупроқ*; 2) рангига кўра: *қизил тупроқ*, *олакесак*; 3) унумдорлигига кўра: *унумдор тупроқ*, *маҳсулдор тупроқ*, *ҳосилдор ер*; 4) сифатсизлигига кўра: *унумсиз тупроқ*, *сифатсиз ерларга* бўлинади.

Иккинчи мавзуй гуруҳ «Ерни ишлаш, экиш, уруғнинг униб чиқиши билан боғлиқ мавзуй гуруҳлар» деб номланиб, унда МГ 2 та микрогуруҳга ажратилиб тадқиқ этилган:

1. Ерни экин экишга тайёрлаш билан боғлиқ номлар. Бу МГдаги бирликлар сони 50 та. Бу гуруҳдаги айрим сўз ва бирикмалар ўзбек адабий тили ҳамда шеваларида учрайди: *тоза шудгор*, *ер текислаш*. Ерга ишлов бериш жараёнида қўлланадиган сўз ва бирикмаларга *чопиқ*, *чуқур ҳайдаш* ва бошқалар киради.

2. Уруғ экиш, уруғнинг униб чиқиши билан боғлиқ номлар. Адабий тилда *эмоқ*, яъни *эк* сўзидан турли маънодаги сўзлар ва бирикмалар ҳосил бўлган: *экин*, *экин экиш* каби. Қадимий ва ҳозирги деҳқончиликда уруғ экиш ва унинг униб чиқиши билан боғлиқ лексемалар кўп қўлланади. Уруғнинг сочма ёки қаторлаб экилганлигига кўра *сочма экиш*, *қаторлаб экиш* деб юритилади. *Кўкармоқ*, *ўсмоқ* кабилар эса уруғнинг униб чиқиши билан боғлиқ бирликлардир. Уруғнинг униб чиқиши билан боғлиқ жараёнларнинг мотивланиши: а) экиш вақти (*кузги*, *қишки*); б) ранги (*кўк*, *кўкат*); в) униш сифати (*серилдиз*) ва бошқалар.

Учинчи бўлимда суғориш усуллари ва техникасига боғлиқ номлар уч гуруҳга бўлиниб таснифланди: а) суғориш усуллари ва техникасига доир бирликлар; б) суғоришда сув сарфи ва меъёрига доир бирликлар; в) суғориш вақти ва тартибига доир бирликлар:

а) суғориш усуллари ва техникасига доир бирликлар. Ҳозирги ўзбек адабий тилида «ўсимликни сув билан озиқлантириш» маъносида *суғориш* сўзи қўлланади. Оғзаки ва ёзма нутқдаги *сув бермоқ*, *сувламоқ*, *сув қўймоқ* кабилар айни маъно ифодасига хизмат қилади. Суғориш жараёни халқ нутқида *суғориш усули*, *суғориш санъати* бирикмалари орқали ифодаланади.

²⁸ Қарши туманидаги Кичик Қайроғоч кишлоғида бу сўз ўрнида *арпазор* сўзи ишлатилади

Ўзбек деҳқонининг бу хатти-ҳаракатини В.В.Радлов «Ўрта Зарафшон водийси» асарида шундай таърифлайди: Бу ердаги суғориш системаси – техникавий мўъжиза, ҳатто буни ҳақиқий мутахассис ирригатор олимларимиз ҳам ўйлаб топиши амри маҳол. Бу ҳайрон қоларли даражада қизик. Оддий ўзбек деҳқони илмсиз ҳам шундай катта меҳнат туфайли яратган сув иншоотлари ва суғориш усулларига офарин дейсиз!²⁹ *Бостириб суғориш, эгатлаб суғориш* каби сув бериш усулларининг Ўзбекистондаги иссиқ иқлим туфайли жорий этилиши уларни ифодаловчи бирликларнинг тилда юзага келишига асос бўлган: *айлантириб суғориш, шарбатлаб суғориш* ва бошқалар. Шунингдек, суғоришда ўқариқдан сув оладиган жойга лой, қоғоз, камиш, ғаров, чим сингари тўсиқларни қўйиб сув тарашнинг ўзига хос усулларини сувчилар *лойлаб суғориш, қозолаб суғориш, чимлаб суғориш* деб ҳам атайдилар.

б) суғоришдаги сув сарфи ва меъёрига доир бирликлар. Бу гуруҳга *сув графиги, сув жадвали* ва бошқа атамалар киради.

в) суғоришнинг вақти ва тартибига доир бирликлар. Бу гуруҳга *вақтинча суғориш, ҳосил суви, хирмон суви, яхоб* кабилар киради.

Тўртинчи бўлимда «Ерни ўғитлаш билан боғлиқ номлар» таҳлил қилинди. Маълумки маҳаллий ўғит *гўнг* деб аталади. *Гўнг (пори)* қишлоқ хўжалиги ходимлари ўртасида энг кўп ишлатиладиган сўзлардан биридир. «Зироатнома» китобида бу сўз ўрнида *нури* ва *пори* ишлатилган бўлиб, қуйидагича изоҳланган: «чириган, бузилган нарсалардан, масалан, гиёҳларнинг чириганидан, латта, пахта, чарм, суяк, қайиш каби нарсаларни қўшиб чиритиш орқали тайёрланадиган ўғит». Ушбу китобда қўй ва эчкининг гўнги *писки*, фақат эчкининг гўнгини эса *писки бўз* деб берилганки³⁰, бу деҳқонларнинг *гўнг* сўзи ўрнида *пори, нури* сўзларини ҳам ишлатганлигини кўрсатади.

Жанубий Ўзбекистон аҳолиси юқоридаги сўзларнинг умумий номи сифатида *ўғит* (удобрение) сўзини ҳам ишлатадилар. «Ерни озиклантириш» маъносида адабий тилда *ўғит бериш, ўғитламоқ* қўлланади. Кўпгина ҳудудларда ерни ўғитлаш жараёни номлари диалектал характерга эга: *гўнглаш, порилаш* каби. Минерал ўғитларнинг эса қуйидаги атамалари бор: *азотли ўғит, калий хлорид, калий тузи* ва бошқалар.

Ушбу бобнинг учинчи мавзуй гуруҳи «Ҳосилни йиғиб-териш олиш билан боғлиқ урф-одат номлари» деб аталган. Бундаги МГ ҳам тўрт микрогуруҳга ажратилиб таҳлил этилган. Улар қуйидагича:

1. Ҳосилни қўл меҳнати воситасида йиғиб-териш олиш билан боғлиқ сўзлар: *галла ўрими, ўроқ, ўроқчи* ва б. Дон ўрими мавсумида буғдой ўриш, боғ қилиб боғлаш, уларни хирмонга ташиб келиш жараёнларини ифодаловчи сўзлар: *йиғим-терим, ҳосил, ўроқчи аёл, ўрмоқ, буғдой ўриш, хирмон, гарам* ва б.

²⁹ Радлов В. В.; Мелиоранский П. М. Средняя Зерафшанская долина. – ЗИРГО. – Санкт-Петербург, 1880. Том 6. – С. 533.

³⁰ Зироатнома. Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи М. Ҳасаний. – Тошкент: Меҳнат, 1991. – Б. 75.

2. Ғаллани ташиш, уни шамолда созуришда қўлланадиган асбоблар номлари: *чорчор арава, эшак арава, шоха, галвир*.

Дон ўрим-йиғими билан боғлиқ сўзлар микдоран кўп ва диалектал характерга эга. Уларнинг баъзилари унутилган, баъзилари кексалар тилида сақланиб қолган: *савора, галагов, янчиқ, ўриш, ташиш*. Баъзи сўзлар товуш тузилиши, ясалиши, морфем характери жиҳатидан шевавий хусусиятлар касб этади: *янчиқ, чош, созуриш, гарам, гарамлагич*. Баъзилари эса умумистеъмолдаги сўзлар ҳисобланади: *ҳосил, хирмон, ўроқ, ўроқчи*.

3. Ҳосил янчиш ва хирмон кўтариш билан боғлиқ сўзлар: *хирмон, хирмоноши, матамоқ, чатаклаш, галагов*.

4. Деҳқончиликдаги иш жараёни ва урф-одатлар билан боғлиқ микрогуруҳдаги сўзлар қуйидагича таснифланди:

1. Деҳқончилик ҳомийси Бободеҳқон билан боғлиқ урф-одатларни ифодаловчи атоқли отлар. Қадимда ерга илк бор уруғ сепиш жараёни ўзига хос расмий маросим сифатида ўтказилган бўлиб, унда кекса деҳқонлардан бири Бободеҳқон қиёфасига кириб, қўш ҳайдашни бошлаб берган. Бободеҳқон – Одам (ота), Хизр бобо (Хўжайи Хидир, Хўжайи Хизир), Деҳқонбобо каби нуронийлар далага илк бор қўш чиқариш ва дон экиш билан боғлиқ қўшиқларни яратганлар. Деҳқончиликдаги ҳар қандай ишнинг бошланишида Бободеҳқон тимсолидаги нуроний чол тасаввур қилинган. Бу тўғрисида профессор М.Жўраевнинг «Ўзбек мавсумий маросим фольклори» қўлланмасида қимматли материаллар берилган ³¹.

2. Далага қўш чиқариш, экин экиш билан боғлиқ сўз ва бирикмалар: *шоҳмойлар, йилбоши оши* каби.

3. Ёмғир чақариш билан боғлиқ урф-одатларни ифодаловчи бирликлар: *суст хотин, сув хотин* ва бошқалар.

4. Ҳосилни йиғиб-териб олиш, янчиш билан боғлиқ урф-одатларни ифодаловчи бирликлар: *оқ фотиҳа, каптар думи, гавза, қўлпўстак, хирмон оши, чошга барака*.

Тадқиқотнинг тўртинчи боби «**Деҳқончилик лексикасининг систем тадқиқи**» деб номланган. Ушбу боб беш бўлимдан иборат.

«ДЛни ўрганишда луғавий-маъновий гуруҳлар (ЛМГ)нинг афзалликлари» деб номланувчи биринчи бўлимда ЛМГ хусусида фикр юритилди.

ДЛда «ўқариқдан сув олиб, беш-ўн эгатга таратиб суғориш усули ва ана шундай ариқча»³² маъносида *бешамак* сўзи қўлланади. Республикамининг турли ҳудудларида ҳар хил шаклларда ишлатиладиган бундай сўзларнинг ўзини турли ЛМГларга бўлиш мумкин. Масалан:

1. Жойлашиш ўрни ва масофасига кўра: *ёнишох, ёнариқ, қаптолариқ*.

2. Эгатларнинг сонига кўра: *бешамак, бешталиқ, беш-беш, ўнталиқ*.

3. Сувнинг тенг ва текис таралишига кўра: *тақсимариқ, бўлинмаариқ* ва бошқалар. Ёки сув ва тупроқнинг рангига кўра: *оқсув, қорасув, қизилсув; оқ-*

³¹ Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 2008. – 290 бет.

³² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, . –Тошкент: 2006. 1-жилд. – Б. 245.

тупроқ, қоратупроқ. Бундай бирикмалар ранг (денотат) жиҳатдан уюшади.

Диссертацияда сўзларнинг ЛМГларга ажратилиш мезонлари ва ўлчовлари кўрсатилган.

Иккинчи бўлим «ДЛнинг парадигматик муносабатлари ва парадигматик тавсифи»га бағишланган. Парадигматик муносабатлар тил бирликларининг инсон хотирасида мавжудлик ҳолати, шаклий ва мазмуний бирлиги, умумийлиги ва хусусийлиги, тил тизимида тизилиши мумкин бўлган ва шу тизим муносабатларини ташкил этувчилар орасидаги боғланишдан иборатдир.

ДЛ парадигматик муносабатларининг биринчи турига *экинни суғормоқ, экинга сув бермоқ* каби лексик бирликлар киради. Бу бирликлар учун умумий бўлган қисм – *сув*. Иккинчи турига эса *суғормоқ, сувламоқ, сув бермоқ, сув қуймоқ* кабилар мисол бўлади. Бу бирликлар «сув йўлини очиб, экин майдонига сув бериш» маъноси атрофида бирлашади. Учинчи турига кирувчи *сувсан // сувсин; суғор // сувор* каби унсурларнинг шакл ва мазмунида ўхшашлик ва ёндошлик, умумийлик ва яқинлик бор.

Ушбу бўлимда «ДЛда лексик маънонинг парадигматик тавсифи» ўрганилган.

Лексик маънонинг парадигматик тавсифи – синтагматикадаги оддий лексик бирликлар ва уларнинг бўлинишидан парадигматика томон бориш ҳамда лексик-семантик вариантдаги сўзларнинг вазифавий ва зидлов муносабатларини баён этишдир³³. ДЛда шундай сўзлар борки, уларсиз айни соҳа лексикасини тасаввур этиб бўлмайди. Масалан: *деҳқон, уруғ, ер, сув, ҳосил* каби. Мана шундай сўзлардан бири – *ер*. Дехқончиликда *ер* ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади. Қуйида ДЛдаги лексик маънонинг парадигматик тавсифини *ер* лексемаси мисолида ёритилади.

Ер лексемаси семемасини турли усуллар билан аниқлаш мумкин. Ҳар бир гуруҳдаги *ер* билан алоқадор сўзлар ўзининг умумий ва хусусий жиҳатлари билан бирикмали терминлар ҳосил қилади. Ана шу жиҳатлари билан улар бир ЛМГга бирлашади ва ўз ичида кичик гуруҳга ажралади.

Шу йўналишда «матн→тизим» асосида синтагматикадан парадигматикага ўтиш асосида *ер* лексемаси лексик маъноси парадигматик муносабатлар тизимида тавсифланди. Ўзбек тилида *ер* таркибига кўра: *лой, қум, кесак, қора ер*; тузилишига кўра: *қаттиқ, юмшоқ, ёпишқоқ, говак, заранг ер*; унумдорлигига кўра: *семиз, бўз, унумдор, зархоқ, қумоқ, думба* ерга ажратилади, *ер – тупроқ – замин – майдон* парадигмасини ташкил этади.

Ер лексемаси маъносининг ўзаро парадигматик алоқаларини, маънонинг маълум вазифа бажаришини ҳисобга олиб, шу нуқтаи назардан тасаввур қилиб кўрамыз. *Ер* сўзининг бош маъноси (*Ер 1* – «қуёшдан кейинги учинчи планета», дунё) ва учинчи маъноси (*ер 3* – тупроқ, замин) ердир.

Диссертацияда *ер* сўзининг 11 та лексик маъноси таҳлил қилинган. *Ер* сўзи лексик маъносининг парадигматик тавсифини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

³³ Новиков Л.А. Семантика русского языка. – Москва: Высшая школа, 1982. – С. 153.

Ер сўзи лексик маъносининг парадигматик тавсифи

ЕР 1

«Планета, дунё, олам»	→ куёшдан кейинги учинчи планета: <i>Ер шари, Ер айланаси.</i>
-----------------------	--

ЕР2 ↓

«куруқлик»	→ шу планетанинг куруқлик қисми: <i>Ер планетамизнинг олтидан бир қисмини ташкил этади.</i>
------------	---

...

ЕР11 ↓

...

«томон, жой олмошини ифодалайди»	→ кўрсатиш олмошлари билан ифодаланиб, шу олмошдан ифодаланган томондаги жойни кўрсатади: <i>У ер. Бу ер.</i>
----------------------------------	---

Ишда ЕР 3 дан то ЕР 11 гача *ер* сўзи маъносининг парадигматик тавсифи берилган. Демак, *ер* сўзининг бош маъносидан ҳосил бўлган бошқа маънолари ана шу бош маъно атрофида уюшади ва улар баъзи белги, хусусиятлари билан ўхшаш муносабатларга эга бўлади.

Шундай қилиб, ЛМГдаги бош сўзнинг лексик маъноси синтагматикадан парадигматикага, парадигматикадан синтагматикага ўтади. Бунда *ер* сўзининг бош маъносидан ўсиб чиққан маънолар бош маъно атрофида бирлашиб, турли маъно нозикликларини намоён қилади. Гапда ана шу маъно нозикликларининг мавқеи аниқ-равшан сезилиб туради.

Бобнинг учинчи бўлими «ДЛда сўзларнинг синтагматик муносабатлари ва унинг синтагматик тавсифи» деб номланган.

Маълумки, синтагматика ва парадигматика тил системасининг амал қилиши ва мавжудлигини белгиловчи турли қирралари ва аспектлардир³⁴. Шунга кўра синтагматик муносабатлар дейилганда, тил бирликларининг нутқ оқимида юз берадиган хусусиятлари асосидаги муносабатлари тушунилади. Ишда ДЛ синтагматик муносабатлар асосида ҳам ёритилди.

Синтагматик муносабатларни аниқлаш – сўзнинг лексик маъносини сўз бирикмалари, матндан фойдаланиб, турли парадигмаларнинг бирикишини тасвирлаш ҳамда баён этишдан иборат. Тилнинг семантик тадқиқида унинг лингвистик асосларидан бири, яъни лексик маънонинг синтагматик тавсифи муҳим ўрин эгаллайди. Бу тавсифни амалга оширишда тадқиқотчи бевосита матндаги гаплар ва сўз бирикмалари асосида, яъни «матн ↔ система»³⁵ тарзида таҳлил олиб боради. Таҳлилда тил бирликларини ҳарфлар билан шартли равишда белгилаб оламиз. Е, С, А – бу қайта номланган парадигмалар. Е – ер, С – сув, А – ариқ маъносини ифодаловчи ном сифатида қатнашади. Бу номларнинг объекти сифатида эса Р, У, И ҳарфлари билан

³⁴ Мирзакулов Т. Ўзбек тили морфемикасидаги парадигматик ва синтагматик муносабатлар. –Хўжанд: 1993.–Б. 3.

³⁵ Новиков Л.А. Кўрсатилган асар. – Б. 148.

шартли равишда белгилаб оламиз. Буни янада яхшироқ тасаввур қилиш учун ушбу жадвални тавсия этамиз:

7-жадвал

Деҳқончилик лексикасида объект ва ном

	ЕР	СУВ	АРИҚ	
⇕	_____			⇕
	Е	С	А	ва бошқалар
	НОМ	НОМ	НОМ	
	Р	У	И	
⇕	_____			⇕
	объект	объект	объект	ва бошқалар


Чизмадаги ⇕ белгиси Ер – Е, Сув – С, Ариқ – А га; Р, У, И каби шартли белгилар – объект, яъни бири сўз, иккинчиси объектни англатади деган маънога ишора қилади.

ДЛ таркибидаги *ер* лексемаси мисолида унинг синтагматик тавсифи берилди. Бунда сўзнинг синтагматик тавсифига асосланиб, унинг маънолари аниқланди, ўзига хос ўхшаш ва фарқли жиҳати ажратилди: Е – бўз ер – «экилмай ётган ер». Бундай вазиятда унинг бошқа маъноларини санаш билан Е нинг турли маъноларини аниқлаш мумкин. Бу нутқда Е тил бирлигининг бошқа тил birlikлари билан бирика олиш хусусиятларини аниқлашни талаб этади.

Матнлардан қуйидаги жадвалда берилган бирикмали терминларни ажратамиз:

8-жадвал

Ер лексемасининг синтагматик тавсифи




Масалан: *Ер узра тариқдай сочилган инсон* (Абдулла Орипов. «Аллоҳ даргоҳи»); *Ҳар қанча бош қотирганингиз билан ер резинка эмас-да, чўзолмайсиз* (СаидАҳмад. «Дала донишманди») ³⁶.

Ер сўзининг бу бирикмаларга қўшилиб келиши Ер шарининг (қуёшдан кейинги учинчи планета) турли характерли белгиларини ифодаловчи ЛМГ:

³⁶ Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. 2-жилд. – Б. 187; СаидАҳмад. Оқсоқоллар. – Тошкент: Меҳнат, 1976. – Б. 66.

ернинг шакли, ҳажми, массаси, асосий геометрик ўлчови, ҳаракати, айланиши, тортиши каби кўпгина бирикмалар ерни осмон билан қарама-қарши кўйиш, умумхалқ тилида қўлланишидан келиб чиққан.

8-жадвалнинг давоми

<p>ЕР11</p> 	<p>Шу ер, у ер, ўша ер, бу ер: <i>У ерда, бу ерда ишлама, бир ерда ишла.</i> Бу ЛМГдаги сўзлар кўрсатиш олмоши билан бирга қўлланиб, «жой» семемасини англатади.</p>
---	--

Тўртинчи бўлим «Сув лексемасининг компонент таҳлили» деб номланган. Сўзнинг бош ва ҳосила маъноларини аниқлаш, уларни бирига қиёслаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мавжуд тадқиқотларда бу каби маъноларни аниқлаш ҳамда тавсифлаш мураккаб жараён эканлиги айтилади. И.Қўчқортоев, Ш.Раҳматуллаев, Р.Юнусов кабиларнинг ишларини лексик маъно тавсифига бағишланган тадқиқотлар сифатида кўрсатиш мумкин³⁷.

Биз ҳам сув сўзининг компонент таҳлили³⁸ асосида унинг бош ва ҳосила маъноларини аниқладик.

«ЎТИЛ»да сув лексемасининг 10 та маъноси қайд этилган. А.Собиров ҳам мазкур лексеманинг маъно структурасини мисоллар асосида аниқлаган³⁹. Биз ҳам тадқиқотимизда халқ сўзлашув нутқи ва бадий асарлардан олинган мисоллар асосида сув сўзининг 15 та ҳосила маъносини аниқладик. Сув лексемасининг бош (биринчи) маъноси «кислород ва водороднинг химиявий бирикмасидан таркиб топган, барча тирик организмларнинг яшашини таъминловчи, ҳаёт манбаи бўлган рангсиз, шаффоф суюқлик» таърифидан келиб чиққан ҳолда бу лексеманинг қуйидаги маънолари аниқланди: сув – қаттиқлик, нақш, назр қилиш, «инжу», суғориш, тошқин, сел, жилға, тер, реза, кўз ёш, жонланиш, уйғониш, йиринг, текин, таскин, ўлган одамни ювиш, анҳор, кўл.

Бешинчи бўлимда «Дарё лексемасини хусусийлик ва умумийлик диалектикаси асосида ўрганиш» масалалари ёритилган.

³⁷ Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. –Тошкент: Фан, 1977; Раҳматуллаев Ш., Юнусов Р. Семемаларнинг семалар состави ва семантик боғланиш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974. – №1. –Б. 51–53; Раҳматуллаев Ш. Семема – мустақил тил бирлиги // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1984. – №5. –Б. 17–20; Р Юнусов. Полисемия и синонимия имен существительных места в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс. ...канд.филол. наук. –Тошкент: 1974. – С.15.

³⁸ Қаранг: Жабборов Х. Сув лексемаси ва унинг маъно фазилатлари // Республика ёш тилшунос олимларининг илмий-амалий анжумани материаллари.–Тошкент: 1993. –Б.91–92; Ўша муаллиф. Сув сўзи семемасининг компонент таҳлилига доир // Насаф тилшунослиги масалалари. –Тошкент, 1997. –Б. 9–11; Ўша муаллиф. Сув ҳақида сўз // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1996. –№6. –Б. 24–25.

³⁹ Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш: Филол.фанлари д-ри ...дис. автореф. – Тошкент, 2005.

ХУЛОСА

1. ДЛ ўзбек тили лексикасининг муҳим таркибий қисмидир. У миқдор ва тур жиҳатидан ўзига хос луғавий мажмуани ташкил этади. ДЛ ўзбек халқининг бевосита деҳқончилик фаолияти билан боғлиқ бўлганлиги туфайли ўзбек тилининг асосий луғат хазинасини бойитиш ва нутқ жараёнидаги эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади. ДЛнинг илк даври «Авесто», «Ўрхун-Энасой ёдгорликлари»га бориб тақалиши, шаклланишининг узоқ тарихга эгаллиги, халқимизнинг қадимдан деҳқончилик билан шуғулланганлигини асослайди. ДЛни систем-структур ва тарихий-қийёсий жиҳатдан ўрганиш шуни кўрсатдики, ўзбек халқининг деҳқончиликка доир сўзлари анча қадимий, кўҳна.

2. Марказий Осиёда деҳқончилик маданияти эрамиздан олдинги IV асрларда шаклланган. Суғорма деҳқончилик эса Ўзбекистон ҳудудида жез даврининг охирида, тахминан 3000-3200 йил муқаддам вужудга келган. ДЛ ҳам ана шу даврлардаёқ шакллана бошланган.

3. ДЛда қадимги туркий қатлам, ўзбек тилининг ички манбалари, яъни ўз қатламга хос сўзлар катта миқдори ташкил этади. Унинг асосий қисми бўлган туркий – ўз қатламга мансуб сўзларнинг аксарият қисми бошқа туркий тиллар учун муштаракдир. Бу тур сўзларнинг қўлланиш доираси, тарқалиш сарҳади (ҳам ҳудудий, ҳам адабий тил) лаҳжалар ва шевалараро қўлланиши жиҳатидан бир хил белги-хусусиятга эга эмас.

4. ДЛнинг шаклланиши ва бойишида ташқи манбалар: форс-тожикча, арабча, русча ўзлашмалар салмоқли ўрин эгаллайди. ДЛ таркибида арабча сўзлар анча қадимдан ўзлашган бўлса ҳам, миқдори нисбатан кам. Русча сўзлар сўнгги 50-60 йил давомида ўзлашган. Улар, асосан, илмий ва расмий услубга оид матнлар билан кириб келган. Бундай атамаларнинг ўзбекча (арабча, форс-тожикча) муқобиллари мустақиллик давридан бошлаб яратила бошланган. Форс-тожикча деҳқончилик атамалари ҳам салмоқли ўрин тутди ва улар ҳам туркий сўзлар сингари қадимий сўзлардир.

5. ДЛга доир сўзларнинг ясалишида аффиксация ва композиция усулларининг маҳсулдор эканлиги аниқланди. Бу соҳа лексикаси тузилишига кўра содда (туб, ясама), қўшма, бирикмали ва мураккаб кўринишлидир. ДЛга оид сўз ва терминларнинг ҳосил бўлишида *-чи, -ма, -ла, -гич, -об, -лик, -ик, -иқ* каби қўшимчалар фаол ва уларнинг воситасида *от, сифат, феъл* туркумидаги сўзлар кўпроқ ясалган.

6. Ўзбек тилининг ДЛда композиция усули билан сўз ясалиши ҳозирги ўзбек адабий тили қонун-қоидаларига мос бўлиб, улар деҳқончиликнинг қадим давларидан ҳозирга қадар деҳқонлар, мироблар, сувчилар, бевосита деҳқончилик маданияти билан шуғулланувчи касб-ҳунар эгалари томонидан яратилган.

7. Халқ шевалари, сўзлашув нутқи, халқ нутқига хос сўз ясалиш ва ўзлаштириш тизими ДЛни бойитувчи, янги сўзлар билан ифода имкониятини кенгайтирувчи манбадир. ДЛдаги қўшма, бирикмали ва кўп таркибли

ифодалар ўрнига халқ ва сўзлашув нутқидаги сўзларни қабул қилиш фан, амалиёти ва таълим жараёни учун ҳам муҳим, фойдали ҳамда зарурдир.

8. ДЛ (дончилик) да 850 дан ортиқ (таҳлилга жалб этилганлари), яъни бу соҳадаги турли тушунчалар нарса ва ходиса, жараён, белги, қурол, буюм номлари аниқланди. Деҳқончилик объектларининг мотивланиш белгилари асосида номланиши ўрганиб чиқилди. Экин майдони ҳажми ва шакли, жойлашиш ўрни, сифати ва унумдорлигига кўра; экин майдони тармоқлари эса жойлашиш ўрни, шакли, ҳажми, ишланиш даражаси, қарашлиги, тупроқ ранги ва тузилишига кўра номланади.

9. Ўзбекистон ҳудудидаги ДЛнинг маълум қисми диалектал характер касб этади. Шевага хос сўзларнинг кўпчилиги деҳқонларнинг экинни экиш, уни парваришlash, хирмон кўтариш, ҳосил олиш, ҳосилни сақлаш ва шу каби иш жараёнларида ҳар бир нарса, ходиса, ҳолатларни аташ учун яратилган.

10. Ўзбекистон аҳолиси орасида деҳқончиликка оид урф-одат ва маросимлар қадимий кўринишларининг номлари тилимизда сақланиб қолганлигини тарихий этнографик ва тўпланган лисоний материаллар тўла тасдиқлайди.

11. ДЛнинг система сифатидаги тадқиқида семантик майдонни белгилашда сигнификатив маънонинг ўрни кўрсатилди. Семантик майдоннинг сигнификатив жиҳатини ўрганишда тилнинг лексик сатҳида муайян лексемаларнинг бир семантик майдонда ўзаро бирикиб, ягона парадигматик қаторни ташкил қилиши муҳим аҳамиятга эга.

12. ДЛни қиёсий-тарихий ва систем-структур жиҳатдан ўрганиш ўзбек халқининг деҳқончиликка доир сўз ва терминлари қадимги ҳамда ҳозирги сўзлардан иборатлигини кўрсатди.

13. ДЛни парадигматик ва синтагматик муносабатлар йиғиндисидан иборат яхлит бир бутунлик сифатида қараш улар ўртасидаги ички диалектик боғланишни, хусусан, умумийлик ва хусусийликни аниқлашга имкон яратди. Шу нуқтаи назардан сув сўзидан ясалган лексемалар парадигмаси ва синтагматик ҳосилалари ДЛ мажмуида энг фаол қўлланишга, ясалишга, таркибий хилма-хиллик ҳамда маъно жиҳатидан серқирраликка эгаллиги маълум бўлди.

15. ДЛнинг ЛМГлари тадқиқидан аниқ бўлдики, ҳар бир гуруҳ, яъни кичик гуруҳларга бирлашувчи сўзлар ўзаро синонимик муносабатда, келиб чиқишига кўра турли тил манбаларига мансуб туркий, эроний, товуш ва морфем вариантлик фазилати мавжуд, ясалиш вариантлилиги, қўлланиш сарҳадида чекланганлик ва чекланмаганлик белгисига ҳамда шевавий хусусият касб этиб, маълум кишилар томонидан қўлланиш имкониятига эга.

16. Диссертация натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мумкин: келгусида қишлоқ хўжалигининг далачилик, фермерчилик, ирригация, мелиорация, гидрология, ўсимликшунослик каби соҳалар лексикаси атрофлича ўрганилиши лозим. Шундай йўл билан тилшунослигимизда фундаментал назарий ишлар яратиш, яъни «Ўзбек тилининг қишлоқ хўжалиги энциклопедик луғати»ни тузиш ва нашр эттириш имкони туғилади.

ДЛ ўзбек халқининг тили, тарихи урф-одатлари, турмуш-тарзи, анъаналари, этник такомиллиги, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муносабатлари, деҳқончилик маданияти, қадимий ва замонавий гидротехник иншоотлари ҳақида муҳим, тарихий маълумот берувчи лисоний хазинадир. Шу боис улар лексик-семантик, функционал-услубий, тарихий-қиёсий, этнолингвистик, лингвостатистик таҳлиллар асосида алоҳида-алоҳида тадқиқ этилиши лозим.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

ДЛТ	–	Девону луғотит турк	Нш	–	Нишон тумани
ДЛ	–	Деҳқончилик лексикаси	Шҳ	–	Шаҳрисабз тумани
Дх	–	Деҳқонобод тумани	Як	–	Яккабоғ тумани
Кс	–	Косон тумани	ЎТИЛ	–	Ўзбек тилининг изоҳли луғати
Кт	–	Китоб тумани	Қм	–	Қамаши тумани
ЛМГ	–	луғавий- маъновий гуруҳ	Қр	–	Қарши тумани
Мб	–	Муборак тумани	Ғз	–	Ғузор тумани
Мир	–	Миришкор тумани			

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Fil.19.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ
АЛИШЕРА НАВОИ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЖАББОРОВ ХУЖАМУРОД

ЗЕМЛЕДЕЛЬЧЕСКАЯ ЛЕКСИКА УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

10.00.01 – Узбекский язык.

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ (DSc) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ
НАУКАМ**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером № B2017.2.DSc/Fil54.

Докторская диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу <http://ik-filol-uni.uz> и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный консультант:

Бегматов Эрнст Азимович

доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сабилов Абдулхай Шукурович

доктор филологических наук, профессор

Маматов Абдимурод Эшанкулович

доктор филологических наук, профессор

Таджиев Ярмак

доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:

Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2017 года в « ____ » часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Fil.19.01. по присуждению научных степеней при Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои по адресу: 100174. г.Ташкент, улица Университетская, 4. Тел.: (99871) 246-63-58; факс: (99871) 246-53-21; e-mail: tdutau_nazorat@edu.uz.

С докторской диссертацией (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (Зарегистрирован за номером № __. Адрес: 100174. г. Ташкент, улица Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-63-58.

Автореферат диссертация разослан « ____ » _____ 2017 года.
(протокол ресстра рассылки № _____ от « ____ » _____ 2017 г.).

Ш.С. Сирожидинов

Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.н., профессор

Ё.Р. Одилов

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.н.

Н.М. Махмудов

Председатель научного семинара
при Научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Осуществление в мировом языкознании исследовательских работ в историко-сравнительном, системно-структурном, семантико-семасиологическом и ономазиологическом направлениях, создание тезауруса слов данной отрасли в целях облегчения нахождения сведений по сельскому хозяйству обуславливает использование современных методов анализа при решении таких проблем в узбекском языкознании. Одной из таких актуальных задач является исследование земледельческой лексики на основе новейших научно-теоретических взглядов и методов. В мировой лингвистике раскрытие законов изучения земледельческой лексики как системы, освещение их лингвокультурных, этнолингвистических, прагмалингвистических, психоллингвистических особенностей считается одним из важнейших факторов, обеспечивающих развитие данной отрасли.

В мировой лингвистике земледельческая лексика привлекает внимание исследователей как самый древний, современный и важный для каждого периода лексический пласт языка народов мира. В частности, упорядочена и нормирована земледельческая лексика, исследована в семасиологическом и морфологическом аспектах. Обобщение классификаций и толкований ЗЛ на основе современных методологических принципов, формирование конкретных заключений по их речевой и языковой реализации определяют актуальность темы. Это, в свою очередь, обуславливает необходимость характеристики земледельческой лексики с учетом последних достижений мировой лингвистики и новых методов исследования, на основе внутренних закономерностей нашего языка, а также их системно-структурного, функционально-семантического исследования, донесение полученных результатов до мирового сообщества.

В годы независимости дальнейшее развитие родного языка – зеркала национальной духовности стала рассматриваться на уровне государственной политики. Обрели регулярный характер исследования по повышению роли языка в развитии общества, его сохранении и обогащении. Издание в большом количестве в годы независимости научной и научно-популярной литературы, словарей, посвященных своеобразным особенностям нашего языка, внесли особый вклад в развитие мышления общества. В частности, достигнуты ощутимые успехи в определении самобытной природы профессиональной лексики нашего языка, изучении земледельческой лексики узбекского языка. Наряду с этим, необходимо изучение земледельческой лексики в плане установления субстанциально-прагматических особенностей, на основе гносеологических законов и категорий, служащих раскрытию их лингвистической природы. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. по пяти приоритетным направлениям особое внимание уделяется *«модернизации и интенсивному развитию сельского хозяйства, направленного на дальнейшее развитие и либерализацию*

экономики»¹ как одной из основных задач. При этом особую значимость имеет освещение выразительных возможностей и лексико-семантических особенностей лексических единиц земледельческой лексики на основе новых методологических принципов и современных критериев.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в указах Президента Республики Узбекистан №4947 «О Стратегии действий по дальнейшему совершенствованию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №4794-УП «Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» от 13 мая 2016 года, Законе Республики Узбекистан «О государственном языке», принятом 21 декабря 1995 года в новой редакции, постановлениях Кабинета Министров №311 от 10 сентября 1996 года по реализации задач, указанных в данном законе, №2789-УП «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года и других нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий Республики Узбекистан: I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном развитии информатизированного общества и демократического государства и пути их реализации».

Обзор международных исследований по теме диссертации².

Научные исследования, направленные на изучение грамматических и прагматических, парадигматических и синтагматических особенностей земледельческой лексики проводятся в ведущих мировых научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности Институте лингвистических исследований РАН, Институте языка, литературы и искусства Дагестанского научного центра РАН, Саратовском государственном университете (Россия), The University of Adelaide (Australia), Agriculture Forestry and Fisheries Research Council (Япония); University of California, Boston University (АКШ); University of Bordeaux (Франция); Peking University (КНР); Oxford University Language Centre (Англия); Казахском национальном университете (Казахстан), а также Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институте языка, литературы и фольклора АН РУз (Узбекистан).

В мировой лингвистике благодаря исследованиям, направленным на изучение земледельческой лексики, анализ протекающих в них важнейших

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики» № УП-4947 от 7 февраля 2017 года.

² Обзор международных исследований по теме диссертации осуществлен на базе cheloveknauka.com, dslib.net, researchgate.net, bloombsbury.com, aims.fao.org, book.sumy.ua, www.utexas.edu, www.u-bordeaux.com, english.pku.edu.cn, www.lang.ox.ac.uk, www.kaznu.kz, www.navoiy-uni.uz и других источников.

процессов, упорядочение и формирование земледельческой лексики получен ряд следующих научных результатов: в семантическом, семасиологическом и морфологическом аспектах обоснованы основные – ландшафтный, земледельческий и растительный пласты лексики латинского языка (Институт лингвистических исследований РАН, Россия); классифицирован богатейший пласт сельскохозяйственной лексики по лексико-тематическим группам; установлены собственный и заимствованный пласты лексики, освещены языковые процессы, связанные с заимствованием слов (Институт языка, литературы и искусства Дагестанского научного центра РАН); в целях обеспечения доступности сельскохозяйственной информации на основе тезауруса AGROVOC создан YAT – японский тезаурус сельскохозяйственных терминов (Agriculture, Forestry and Fisheries Research Council, Япония); рассмотрены процессы терминологизации и метафоризации в земледельческой лексике и ее роль в формировании языковой картины мира (Саратовский государственный университет имени Чернышевского, Россия); обоснованы функционально-стилистические, субстанционально-прагматические особенности земледельческой лексики (Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт языка, литературы и фольклора АН РУз (Узбекистан).

В мировой лингвистике проводится целый ряд исследований по изучению лингвистических особенностей земледельческой лексики, в частности: определение лексических пластов, словообразовательных особенностей на основе источников формирования и развития земледельческой лексики; раскрытие значения земледельческой лексики в процессе коммуникации; обоснование функционально-семантического развития земледельческой лексики в языковой системе, толкование парадигматических и синтагматических отношений и характеристики земледельческой лексики при его системном анализе, освещение семантических, функционально-стилистических особенностей в узбекском языке понятий земли, воды, посевного поля, выполняющих функцию материальной основы в развитии ЗЛ.

Степень изученности проблемы. В мире проведен ряд исследований по определению лексико-грамматических, функционально-семантических особенностей земледельческой лексики. В частности, изучена история земледелия, этнография, лексика народов мира³, тюркских⁴ и персидско-

³ Авдиев В.И. История древнего востока. – Ленинград: Изд. Политической литературы, 1953. – 747 с., Тойлор Э.Б. Первобытная культура. – Москва: Изд. Политической литературы, 1989. – 573 с; Семенов С.А. Происхождение земледелия. Ленинград: Наука, 1974. – 68 с; Богаевский Б. Л. Земледельческая религия Африки. Т.1.СПБ, 1916. – 232 с; Васильев Л. С. Земледелие в Древнем Китае // Вестник истории мировой культуры. – Москва: 1962. – №2. – С. 36-42 .

⁴ Андрианов Б.В. Древние оросительные системы При Аралья. (В связи с историей возникновения и развития орошаемого земледелия). – Москва: Наука, 1969. – 251с; Андрианов Б. В. Проблемы происхождения ирригационного земледелия и современные археологические исследования Средней Азии. Москва: Наука, 1968. – 363 с; Антонова Е.В. Очерки культуры древних земледельцев Передней и Средней Азии. – Москва: 1984. – 348 с; Воейков А.Р. Туркестан, его воды и орошение // Вестник Европы. – Москва: 1915. – №3, – С. 14-22; Пенжиев М. Историческое развитие и современная структура сельскохозяйственной (земледельческой)

таджикских племен⁵, изложены определенные научно-теоретические рассуждения.

В узбекском языкознании изучение профессиональной лексики и диалектов осуществлено на основе методов широко распространенного в XX веке традиционного языкознания. В частности, данная проблема освещена в работах Н.Маматова, О.Курбонова, Т.Нуъмонова, Ю.Эшонкулова, А.Шерматова, Б.Джураева, Т.Нафасова. С.Рахимова и других лингвистов⁶. За годы независимости проделана обширная работа по историко-лингвистическому исследованию гидронимов узбекского языка, сравнительному анализу общей бытовой лексики алтайских языков, лексики художественно-исторических источников⁷. В этих исследованиях также привлечены к анализу отдельные слова земледельческой лексики, для процесса образования отмечены самые важные и активные слова.

Однако потребность в теоретическом развитии рассуждений о земледельческой лексике, расширение не только семантических и грамматических, но и функционально-стилистических, субстанционально-прагматических возможностей лексических единиц данной сферы, их активность в процессе речевой деятельности в качестве общеупотребительных слов, выйдя за рамки терминологии, не изученность различных пластов земледельческой лексики и их языковых единиц во взаимосвязи и в качестве целостной системы обуславливает научное исследование данной проблемы в монографическом плане.

Связь темы диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в качестве составной части научно-исследовательского плана кафедры узбекского языкознания Каршинского государственного университета на

терминологии в туркменском языке: Автореф. дис. ... док. филол. наук. – Ашхабад: 1983. – 47 с; Каримходжаев Ш. Вопросы изучения терминов земледелия в каракалпакском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971. – 25 с; Ибрагимова З.Ю. Қорақалпоғистон ўзбек шевалари қишлоқ хўжалиги лексикасининг лингвогеографик тадқиқи: Филол. фанлари номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2009. – 25 б.

⁵ Кисляков Н. А. Старинные приёмы земледельческой техники и обряды, связанные с земледелием у таджиков бассейна р. Хингоу // Советская этнография. – Москва: 1947. – №1. – С. 108-125; Мухиддинов И. Земледелие памирских таджиков Вахана и Ишкашима в XIX начале XX вв. (Историко-этнографических очерк.) – Москва: 1975. – 127 с; Стеблин Каменский И.М. Земледельческая лексика памирских языков в сравнительно-историческом освещении: Автореф. дис. ... док. филол. наук. – Ленинград: 1984. – 33 с.

⁶ Маматов Н. Узбекская хлопководческая терминология: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1955. – 26 с; Курбанов А. Термины зерновых культур и зернового хозяйства узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1975. – 32 с; Нугманов Т. Термины бахчеводства в узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971. – 25 с; Ишанкулов Ю. Опыт историко-этимологического анализа названий плодов в узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1977. – 25 с; Шерматов А. Узбекские народные говоры Кашкадарьинской области. – Ташкент: Наука, 1978. – 144 с; Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари (тасниф, текстлар ва луғат). – Тошкент: Фан, 1969. – 169 б; Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари луғати. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – 466 б; Рахимов С. Ўзбек тили Сурхондарё шевалари. – Тошкент: Фан, 1985. – 96 б.

⁷ Улуков Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дисс. Автореф. Тошкент, 2010. – 48 б; Усманова Ш. Олтой тилларидаги муштарақ маиший лексика тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дисс. Автореф. Тошкент, 2011. – 42 б; Холманова З. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дисс. Автореф. Тошкент, 2009. – 52 б; Абдушукуров Б. «Қисаси Рабғузий» лексикаси. – Тошкент: Академия, 2008. – 188 б.

тему «Актуальные вопросы современного узбекского языка» и «Системное исследование лексического яруса узбекского языка» (2010 – 2015 гг.), а также согласно цели и задачам фундаментального научного проекта ФА-Ф1-Г041 в рамках Государственных научно-технических программ, выполненного в Институте узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз на тему «Исследование развития лексики и терминологии узбекского языка в годы независимости», фундаментального проекта ОТ-Ф6-062, выполненного в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека на тему «Исследование отдельных законов гидрологических и естественно географических процессов в Приаралье».

Цель исследования – определение места земледельческой лексики в языковой, лексической системе узбекского языка, раскрытие источников и способов его пополнения, историко-эволюционного развития и сравнительно-исторических, функционально-стилистических, субстанционально-прагматических особенностей.

Задачи исследования:

картография лексических единиц, приведенных и истолкованных в исторических источниках, уточнение их значений, сравнение с современной лексикой и раскрытие их семантического развития;

определение лексических единиц земледельческой лексики из произведений, учебников и учебных пособий по истории, этнографии, географии, грунтоведению, агрономии, ирригации, мелиорации, гидрологии и гидротехнике, составление таблицы «Макро и микрогрупп 3Л узбекского языка и слов их состава»;

установление основных языковых и неязыковых факторов формирования земледельческой лексики, освещение их общих и отличительных особенностей с литературным языком и употреблением в отраслевой литературе;

сравнение отдельных лексических единиц, зафиксированных в лексикографических, терминологических, толковых словарях, созданных в процессе формирования и развития земледельческой лексики на основе таблицы, определение сферы их употребления;

отражение в таблице мотивационных признаков земледельческой лексики на основе посевного поля, разветвлений посевных полей, классификация на тематические и лексико-семантические группы, указание общих и отличительных особенностей каждой группы;

на основе формирования земледельческой лексики и источников его развития исследование особенностей лексических пластов, словообразования и структурно-морфологических признаков;

для проведения системного анализа земледельческой лексики освещение парадигматических и синтагматических отношений и характеристик, указание семантических, функционально-стилистических особенностей понятий земля, вода, посевное поле, служащих материальной базой в развитии земледелия и земледельческой лексики.

Объектом исследования выбраны письменные источники на древнетюркском и современном узбекском литературном языках, речь населения вилайатов Узбекистана.

Предмет исследования составляют толковые и многоязычные, терминологические словари узбекского (тюркского) языка, созданные в XI-XX вв., слова, записанные автором диссертации на протяжении последних 20 лет (1990-2010) из уст населения вилайатов Узбекистана.

Методы исследования. При освещении темы исследования использованы описательный, историко-сравнительный методы, методы компонентного анализа, классификации, этимологический, математико-статистический, ареальный методы исследования.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

установлена разница между лексическими единицами земледельческой лексики в исторических письменных памятниках и земледельческой лексикой современного литературного языка;

определены основные лингвистические и экстралингвистические факторы формирования земледельческой лексики, таким образом, раскрыто их употребление в литературном языке и отраслевой литературе;

определена номинация земледельческой лексики по признаку мотивации, освещены макро- и микро, тематические и лексико-семантические группы;

на основе источников формирования и развития земледельческой лексики исследованы её лексические пласты, словообразовательные особенности;

указаны семантические, функционально-стилистические особенности понятий земля, вода, посевное поле в узбекском языке, которые стали материальной основой развития земледелия и земледельческой лексики;

раскрыта роль и значение земледельческой лексики в лексике узбекского литературного языка.

Практическая значимость исследования заключается в следующем.

обоснована важность собранного материала по языковым особенностям ЗЛ, заключений и обобщений, сделанных в ходе исследования поставленной задачи, в пополнении современного узбекского языкознания необходимой, научной информацией, а материалы диссертации могут служить источником для создания лексикологических исследований по лексике узбекского языка, стать практическим пособием при чтении лекций по «Исторической грамматике», «Диалектологии», «Этнографии», «Устному народному творчеству», «Истории литературного языка», «Культуре речи»;

указана важность результатов исследования земледельческой лексики в создании отраслевых, толковых и двуязычных словарей переводов, в использовании последних в качестве материала и источника при создании учебников и учебных пособий по предметам «Основы земледелия», «Правовые основы организации и управления дехканских хозяйств», «Основы общего земледелия», которые входят в содержание «Национальной программы по подготовке кадров».

Достоверность результатов исследования определяется конкретностью поставленной задачи, обоснованностью сделанных заключений методами описания, характеристики, компонентного анализа, математико-статистического метода, внедренностью теоретических размышлений и заключений на практику, подтвержденностью полученных результатов соответствующими уполномоченными организациями, подходом к изучению земледельческой лексики, исходя из природы родного языка.

Научная и практическая значимость результатов исследования.

Научная значимость исследования заключается в том, что материалы диссертации служат важным источником для создания лексикологических и терминологических исследований по лексике узбекского языка, историко-этимологического, функционально-семантического исследования узбекской народной отраслевой лексики, составления лексикографических словарей и обогащения действующих терминологических, толковых словарей.

